

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.4.(462.5.7)

РАЖАББОВ ИФТИХОР ЎКТАМБОЙ ЎҒЛИ

**МИНТАҚА РЕКРЕАЦИЯ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА
ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Ихтисослик: 5A230301 - “Иқтисодиёт” (тармоқлар бўйича)

иқтисодиёт магистри академик даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.

“Иқтисодиёт”

кафедраси мудирини ,

доц. Рўзметов Ш.Б. _____

“ _____ ” _____ 2019 й.

Илмий раҳбар

_____ доц. Эгамов Б.Н.

Илмий маслаҳатчи

_____ проф. Салаев С.К.

Урганч – 2019

Минтақа рекреация соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш истиқболлари

Кириш

I-Боб. Рекреация соҳаси ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари

- 1.1. Рекреация ва кичик бизнеснинг ижтимоий иқтисодий аҳамияти
- 1.2. Минтақаларда рекреация фаолиятини ташкил қилишнинг хусусиятлари, омиллари ва тамойиллари
- 1.3. Ўзбекистон Республикасида рекреация соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

II-Боб. Ўзбекистонда рекреация соҳаси ва кичик бизнесни ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили

- 2.1. Ўзбекистонда туризм ва рекреация фаолиятининг ривожланиши таҳлили
- 2.2. Ҳудудда туристик-рекреация хизматлари ривожланишининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш
- 2.3. Хоразм вилоятида туристик-рекреация хизматларини ривожлантириш омиллари

III-Боб. Хоразм вилоятида рекреация соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

- 3.1. Хоразм вилоятида КБХТ ривожланиши ва унда туризм-рекреация фаолияти самарадорлигини баҳолаш
- 3.2. Ҳудудда кичик рекреация зона ва кластерларларни ташкил қилиш орқали хизматлар соҳасини ривожлантириш йўналишлари
- 3.3. Хоразм вилоятида болалар оромгоҳлари ва санаторияларида КБХТни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида дунё туристик хизматлари соҳасида инвестицион фаоллик, инновациялар, бизнес-саёҳатлар, экотуризм, агротуризм, гастротуризм, рекреация туризми каби янги туризм йўналишларининг ривожланиш тенденциялари кузатилмоқда. Туризм соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) барқароршиб, WTTC¹ маълумотларига кўра, 2017 йилда дунёда яратилган 313 млн. ёки 1/10 янги иш ўринлари туризм улушига тўғри келса, 2028 йилга бориб асосан ХХР, Ҳиндистон, Индонезия ва АҚШ ҳисобига туризмда яратиладиган янги иш ўринлари 414 млн.тага етиши кутилмоқда².

Бугунги кунда рекреация туризми бозорининг барқарор ривожланиши янги кичик бизнес субъектлари ва ўз навбатида янги ишчи ўринларини яратишга ва унга турдош бўлган тармоқларни ривожлантиришга имконият яратмоқда. Жаҳонда рекреация соҳасини ва унда кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш йўналишида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда туризм индустриясига инвестицияларни жалб қилиш ва туризмнинг иқтисодиётдаги мультипликатив самарасини аниқлаш муҳим масалалар қаторига киритилган.

Шунингдек, мамлакатимизда туризми соҳасини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш орқали туризм соҳасини иқтисодиётнинг этакчи стратегик секторига айлантириш³ устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинганлиги сабабли туризм соҳасининг инвестицион жозибадорлиги ва фаоллигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалар қаторига киради.

¹ World Travel & Tourism Council – Бутунжаҳон саёҳат ва туризм кенгаши

² <https://www.interfax.ru/business/605743>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони//lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сонли «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм ва меҳмонхона, рекреация соҳасида КБХТни ривожлантириш масалалари В.И.Азар, Э.И. Богданов, Б.С. Боголюбов, э.С. Богомоллова, М.А. Боков, И.В.Зорин, Ҳ.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, В.И.Никифоров, А.Д.Чудновский⁴ каби хорижлик олимлар илмий ишларида тадқиқ этилади.

Ўзбекистонда туризм ва рекреация соҳасини ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари К..Абдурахмонов, М.Болтабоев, М.Пўлатов, Н.Тухлиев, М.Пардаев, И.Тухлиев, М.Мухаммедов, Д.Усманова, А.Норчаев,

⁴ Азар В.И. Экономика и организация туризма. М.: Профиздат, 1993., Е. И. Богданов, Е. С. Богомоллова, В. П. Орловская. Экономика отрасли. Туризм: учебник. - М.: ИНФРА - М, 2013. - 318 с., В.С.Боголюбов, С.А. Быстров, С.А.Боголюбова. Экономическая оценка инвестиций в развитие туризма. Учебное пособие. Москва. Издательский центр Академия 2009., Богомоллова, Е.С. Экономика и менеджмент инфраструктуры туризма: учебное пособие. - Майкоп: ГУРИПП «Адыгея», 2003. -108 с., Боков М.А. Стратегическое управление рекреационными предприятиями в условиях переходной экономики. СПб., 2001. Зорин И.В., Каверина Т.П., Квартальнов В.А. Туризм как вид деятельности // Учебник. М.: Финансы и статистика. 2005. – 288с. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: учебник / Н.И. Кабушкин. 6-е изд., стер. — Мн.: Новое издание, 2006. - 408 с. Квартальнов В.А. Туризм: Теория и практика: Избр. труды: В 5 т. - Т.4. Иностраный туризм. - М.: Финансы и статистика, 1998.-312с. Биржаков М.Б., Никифоров В.И. Индустрия туризма: Перевозки СПб.: Издательский дом Герда, 2007. - 528 с. Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учебное пособие. М.: КНОРУС, 2007.-416 с.

О.Хамидов, У.Матёкубов, С.Рўзиев, Н.Ибодуллаев, А.Алымов, И.Эргашевларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган⁵.

Бирок, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига эга бўлган Хоразм вилоятида рекреация соҳасида КБХТни ривожлантириш ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш бўйича изланишларнинг камлиги ушбу тадқиқот йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг олий таълим муассасаси ИТИ режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ҳамда 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017-09202 “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги давлат гранти лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади минтақа рекреация соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ишда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди ва ҳал қилинди. Хусусан:

⁵ Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова в г. Ташкенте, 2013. – 248 с., Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. Туризм: назария ва амалиёт” фанидан дарслик. – Т.: “Фан ва технология”. 2018-412 б.; Пўлатов М.Э. Бизнес фаолиятини баҳолаш интеграл мезонини ҳисоблаб чиқишнинг замонавий моделлари// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент 2011. - №4. – Б.23-26. ”Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. -Т.: Гос. Науч. Изд. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2006. - 386 с; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006 - 74 б; Тухлиев И.С. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2010. -271 б., Тухлиев И.С., Қудратов Ф., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: “Иқтисод ва молия” 2008. – 262 б.; Мухаммедов М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири. //Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2007.; Усманова Д. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Икт. фан..дисс. – Самарқанд, СамИСИ, 2009. – 25 б., Норчаев А. Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. Икт. фан. номз..дисс. 2004. – 120 б., Хамидов О.М. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2017; Матъякубов У.Р. Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истиқболлари (Хоразм вилояти мисолида). Икт.фан.номз.дисс.автореф. Самарқанд, 2011; Рўзиев С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. Икт. фан..дисс. – Тошкент, 2009; Ибадуллаев Н. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Икт.фан.номзоди дисс. автореферати. Самарқанд, 2010.; Алымов А.К. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф Самарқанд, 2018; Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф Самарқанд, 2018

- рекреация ва КБХТнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини асослаш;
- минтақаларда рекреация фаолиятини ташкил этишнинг хусусиятлари, омиллари ва тамойилларини аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикасида рекреация соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда туризм ва рекреация фаолиятининг ривожланиши таҳлил қилиш;
- ҳудудда туристик-рекреация хизматлари ривожланишининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш;
- Хоразм вилоятида туристик-рекреация хизматларини ривожлантириш омилларини, КБХТ ривожланиши ва унда туризм-рекреация фаолияти самарадорлигини баҳолаш;
- ҳудудда кичик рекреация зона ва кластерларларни ташкил қилиш орқали хизматлар соҳасини ривожлантириш йўналишларини асослаш;
- Хоразм вилоятида болалар оромгоҳлари ва санаторияларида КБХТни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти республикамиз, хусусан, Хоразм вилоятидаги туризм, рекреация соҳаси ва унда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети туризм-рекреация соҳасида КБХТни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, социологик сўров, статистик, иқтисодий, киёсий таҳлил каби баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- “рекреация ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти туристик хизматларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги иқтисодий самарадорлигини инобатга олган ҳолда илмий жиҳатдан очиб берилган;

- минтақаларда рекреация фаолиятини ташкил этишнинг хусусиятлари, омиллари ва тамойилларини аниқланиб, Ўзбекистон Республикасида рекреация соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилинган;

- Ўзбекистонда туризм ва рекреация фаолиятининг ривожланиши таҳлил қилингани ҳолда ҳудудда туристик-рекреация хизматлари ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва самарадорлиги баҳоланган;

- ҳудудда кичик рекреация зона ва кластерларларни ташкил қилиш орқали хизматлар соҳасини, болалар оромгоҳлари ва санаторияларида КБХТни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** шундан иборатки, ҳудудда рекреация соҳасида кичик бизнесни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар ҳамда таклифлар Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиётида рекреация туризми ролининг ошишида, соҳада туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** ҳудудда рекреация соҳасида кичик бизнесни ривожлантириш орқали барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмиталари тасарруфидаги тузилмалар фаолиятида бевосита фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилиниши. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган ҳамда мавзу бўйича жами 4 та илмий мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 86 бетни ташкил этган.

I-БОБ. РЕКРЕАЦИЯ СОҲАСИ ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ - УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Рекреация ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий иқтисодий аҳамияти

Рекреация фаолиятининг муддатига ва ўтказилиш жойига қараб мезонларини ажратиш муҳим аҳамият касб этади. Рекреация давом этиш муддатига қараб туризм ва экскурсияга ажратилади. Экскурсия билан туризм ўртасидаги фарқини вақт бўйича аниқлаш аниқ мезонга эга – бу суткалик циклдир. Рекреация фаолиятининг 24 соатдан кам бўлган ҳар қандай қисми экскурсия ҳисобланади; 24 соатдан ошиғи – туризмдир.

Рекреация фаолиятининг турлари жуда хилма-хилдир. Яъни, дам олишнинг ҳамма турларини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: бир жойда бўладиган (стационар) ва кўчиб юрувчи (мобил) турлари. Бошқа классификация бўйича дам олишнинг анча чўзиладиган жараёни (даволаш, соғликни тиклаш, спорт, билимни орттирадиган туризм) ва қисқа жараёни ажратилади. Мавсумий белгисига қараб дам олиш ёзги, қишки ва мавсум оралиғи турлари бўлади. Кишиларнинг ёшига қараб мактаб ёшигача бўлган болалар, мактаб ёшидаги болалар, ёшлар, ўрта ёшдагилар ва қариялар дам олиши ажратилади. Бундан ташқари дам олишнинг оилавий, яққа, аралаш, ташкилий ва ташкиллаштирилмаган турлари бўлади. Халқаро амалиётда конгресс туризми ажратилади.

Рекреация ривожланишида рекреация салоҳиятининг мавжудлиги зарурий шарт бўлиб ҳисобланади, у эса турли миқёсларда: дунё даражасида, мамлакат, ҳудуд ва ҳ.к. даражаларда баҳоланади.

Рекреация салоҳияти деганда, муайян ҳудудда рекреация фаолиятини ташкил қилиш учун зарур бўладиган табиий, маданий-тарихий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг йиғиндиси тушунилади.

Ҳудуднинг туристик-рекреация соҳаси ривожланиши истиқболларини баҳолаш. Туризмни ривожлантириш аҳолининг кўпчилики

қисми томонидан ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини фаоллаштириш, ҳудудлар ривожланиши даражаси ва шароитлари ўртасидаги фарқларни қисқартиришнинг муҳим бир йўналиш сифатида қаралади.

Ҳудудларда туризм индустрияси истиқболларини баҳолашда нималарга эътибор бериш зарур? Ушбу тадқиқотни ўтказишда қуйидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатиш тўғри бўлган бўларди:

- туристик-рекреация салоҳияти мавжудлигини аниқлаш;
- мавжуд туристик-рекреация салоҳиятини баҳолаш;
- туристик-рекреация салоҳиятидан фойдаланишнинг ҳозирги кундаги аҳволини баҳолаш;
- туристик-рекреация салоҳиятидан фойдаланишни жадаллаштириш имкониятларини баҳолаш;
- ҳудудда туризмни ривожланишига тўсқинлик қилиб турган омилларни баҳолаш;
- минтақа туристик-рекреация соҳасини ҳудудий ташкил қилишнинг истиқболдаги моделини ишлаб чиқиш.

Мавжуд туристик-рекреация салоҳиятини аниқлаш унчалик қийин вазифа эмас, чунки ҳозирги пайтда қадимдан ўзлаштирилиб келинган ҳар қандай ҳудудда тарихий ва маданий объектлар, қўриқланадиган табиат объектлари рўйхати мавжуддир, ижтимоий-маданий соҳа объектлари – музейлар, меҳмонхоналар, ресторанлар, санаторийлар ва дам олиш базалари ва ҳ.к. тўғрисида батафсил маълумотлар мавжуддир.

Мавжуд туристик-рекреация салоҳиятини баҳолаш анча мураккаб жиҳат ҳисобланади. Унда қуйидагилар эътиборга олиниши керак:

- 1) мавжуд объектларнинг ўзига хослиги;
- 2) объектларга этиб бориш имкониятининг мавжудлиги;
- 3) ҳудуд миқёсида объектлар жойлашиши зичлигидаги фарқлар;
- 4) мавжуд объектларнинг хилма-хиллиги ва мажмуавийлиги;
- 5) объектларнинг жисмоний ҳолати.

Айтиб ўтиш зарурки, кўпчилик ҳудудларимиз учун туристик-рекреация

объектларининг зичлиги юқори эмаслиги, уларга транспортда этиб бориш имкониятларининг пастлиги, уларнинг жисмоний ҳолати талабга жавоб бермаслиги, мажмуавийлиги этишмаслиги хосдир.

Туристик-рекреация салоҳиятидан фойдаланишни жадаллаштириш имкониятлари бир қатор муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир. Булар умуман ижтимоий соҳа объектлари, шу жумладан туристик инфратузилма ривожланишига йўналтириладиган молиявий маблағларни топиш масаласидир. Бу ушбу соҳада замонавий даражада ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш масаласидир. Бу туристларнинг ва дам олувчиларнинг турли категориялари билан ишлашда янгича ёндашувдир. Бўлажак рекреантнинг дам олиш жойини танлашдаги устиворлигини аниқлашга имкон берадиган реклама фаолиятидир.

Худуднинг табиий-рекреация салоҳиятини баҳолаш муаммолари. Худуднинг табиий-рекреация салоҳияти туризмни ривожлантиришнинг этакчи омилларидан бири ҳисобланади. Юқори табиий-рекреация салоҳиятига эга бўлган худудларни тизимли тартибдаги методологияга асосланган чуқур таҳлил қилиш қўйидагиларни талаб қилади. Аҳоли соғлиғини самарали равишда тиклашга йўналтирилган бундай худудларни барқарор ривожлантириш учун ундаги табиий ва ижтимоий-иқтисодий мажмуалар ўз-ўзини тиклай оладиган тартибли тизимга эга бўлиши керак.

Ўз-ўзини тартиблаб турадиган тизим деганда янги моҳият ва таркибни ҳосил қилиш йўли билан ташқи таъсирларга мослашиш қобилиятига (ўз қоида ва қонуниятларига таянган ҳолда) эга бўла оладиган тизим тушунилади. Рекреация худудларининг қўйидаги қатор хусусиятларини аниқлаш муҳим ҳисобланади: рекреация ресурсларининг даражасини, уларнинг салоҳиятини, табиий-ижтимоий-иқтисодий яхлитлигини, ҳозирда ва келажакда талабга эга бўлишини аниқлаш зарурдир.

Рекреация ресурслари деганда яхлит ландшафт уйғунлигини шакллантирадиган табиат мажмуалари ва тарихий-маданий мерос объектлари йиғиндиси тушунилиб, уларни бевосита ва билвосита

Ўзлаштириш инсоннинг жисмоний ва маънавий соғлигини тиклашга ижобий таъсир кўрсатади.

Рекреация ресурсларининг сифати табиат мажмуаларининг, унинг ажойиб истъемол хусусиятларининг, шу жумладан инсон саломатлигини тиклаш, унинг рухий, жисмоний ҳолатлари ва ҳиссиётларини тиклаш нуктаи назаридан инсон онгида акс этишидир. Эстетик ҳиссиётлар инсоннинг муайян миллий маданиятга қарашли эканлигини акс эттиради, рекреация ресурсларининг айрим хусусиятларидан фойдаланиш эса хилма-хил ва кўп қиррали бўлганлиги сабабли уни баҳолашда қуйидаги қоидаларга асосланилади:

- дам олишнинг юқори сифати имкониятларнинг (даволаш, спорт, билимларни ошириш, эстетик ҳиссиётлар ва ҳ.к.) турли туманлиги билан таъминланади;
- рекреация ресурсларининг ноёблиги, ўзига хослиги, яхши сақланганлиги уларнинг умуминсоний қадриятини белгилайди;
- инсоннинг “ёввойи табиат” билан мулоқот қилишга эҳтиёжи табиийдир ва у албатта қондирилиши керак;
- табиий рекреация ресурслари тугаб боради, қайта тикланиш имкониятлари чеклангандир, бошқаси унинг ўрнини боса олмайди.

Дастлабки қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳудуд рекреация салоҳиятини баҳолашга услубий (методик) ёндашув ишлаб чиқилади. Биринчи босқичда салоҳиятнинг ҳар бир бўғини: иқлим, эр усти сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, гидроминерал ресурслар, табиат ва маданий-тарихий ёдгорликлар бўйича сифатни балли баҳолаш шкаласи тузилади.

Иқлим ресурслари қулай ва ноқулай даврларнинг давомийлиги орқали дам олишга қулайлик яратади ёки одамнинг очик ҳавода бўлишини чеклайди. Қулай иқлимга эга бўлган, очик ҳавода дам олишнинг тартиби ва турлари чекланмайдиган ҳудудлар энг катта салоҳиятга эга бўлади. Одамнинг очик ҳавода бўлишини чеклайдиган атмосфера кўрсаткичларига асосланган иқлимнинг ноқулайлиги ошиб бориши ҳудуднинг рекреация қийматини

пасайтириб юборади.

Кишининг дам олиши сифатини белгилаб берадиган ландшафт компонентларининг муҳим турларидан бири: ҳам эр усти ва эр ости сувлари ҳисобланади. Очик сув ҳавзаларида, уларнинг қулайлигини белгилайдиган жараёнларга сувнинг температураси, сув ҳавзасининг катталиги, спортнинг хилма-хил турларини жалб этадиган дарё тўсиқларининг мавжудлиги, сифатли ичимлик ва минерал сувларининг мавжудлиги сабаб бўлади ва ҳудуднинг рекреация аҳамиятини белгилаб беради.

Кишининг дам олиш турини танлаш ҳуқуқини берадиган, ривожланган рекреация хизматларининг кенг имкониятлари мавжуд бўлган ҳудудлар энг катта жозибадорликка эга бўладилар. Ландшафт компонентларининг хилма-хиллиги камайиб бориши, рельефнинг бир хиллиги, иқлимнинг кескинлиги, очик ҳавода узок бўла олмаслик, сувнинг йўқлиги, флора ва фаунанинг жуда камлиги, тарихий-маданий меросларнинг мавжуд эмаслиги ҳудуднинг рекреация қадриятни пасайтириб юборади.

Хўжалик тармоғи ва фаолият тури сифатида рекреация яққол намоён бўладиган ресурс йўналишига эга бўлган тармоқлар гуруҳига ва фаолият турига киради.

Рекреация ресурслари рекреация салоҳиятининг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланиб, уларга ажойиб, ноёб эстетик жозибадорликка, даволаш-соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган, рекреация фаолиятининг хилма-хил турлари ва шакллари ташкил қилишда фойдаланилиши мумкин бўлган, табиий муҳитнинг қисмлари, хўжалик фаолиятининг объектлари киради.

Рекреация ресурслари рекреация фаолиятини ҳудудий ташкил қилишга, рекреация минтақалари ва марказларини шакллантиришга, уларнинг ихтисослашуви ва иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатади. Лекин бу таъсир қилиш тўғридан-тўғри амалга ошмайди. У ижтимоий-иқтисодий омиллар, авваламбор, рекреация истъемолининг ҳажми ва таркиби орқали амалга ошади.

Табиий шароит – бу туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси ривожланиши даражаси шароитида муҳим бўлган, лекин бу жараёнда бевосита иштирок қилмайдиган турли туман табиат ҳодисалари, табиий жараёнлардир.

Демак, табиий рекреация ресурслари бир томондан табиий муҳит таркибига унинг бир қисми сифатида (сув ресурслари – гидросферанинг бир қисми сифатида, минерал ресурслар – литосферанинг бир қисми сифатида) кирадилар, иккинчи томондан улар – ижтимоий-иқтисодий жамиятнинг бир қисмидир. Бунда, табиат ҳодисалари, жараёнлари ва рельефнинг айрим бўлаклари баъзан рекреация фаолиятининг шароитлари сифатида, баъзан ресурслар сифатида намоён бўладилар. Бу табиий шароитларнинг ресурсларга айланиши механизмини тушунишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Масалан, умуман “табиий ресурслар” тушунчасидан келиб чиққан ҳолда, шу жумладан иқлим ресурслари тўғрисида, агар ушбу ҳудудда юзага келадиган об-ҳаво шароитларининг рекреация фаолияти учун қулай бўладиган даври маълум бўлса гапириш мумкин бўлади. Фақат шундай ҳолатдагина, рекреация фаолиятининг “иқлим шароитлари” тушунчасидан “рекреация-иқлим ресурслари” тушунчасига ўтишимиз мумкин бўлади.

Шундай қилиб, **табиий рекреация ресурслари** – маълум бир ҳудудда, маълум бир вақтда юзага келадиган, ҳамда рекреация ва туризм мақсадлари учун фойдаланиладиган табиат ҳодисалари, жараёнлари ёки рельефнинг айрим унсурларидир.

Ижтимоий-тарихий рекреация ресурслари тушунчасини таҳлил қилиш табиий ресурсларга нисбатан бироз мураккаб масаладир. Авваламбор, маданий-тарихий ресурслар гуруҳини – маданий объектлар, ёдгорликлар, тарихий жойлар, этнографик хилма-хиллик ва ҳ.к. ларни ажратиб олишимиз зарур бўлади. Агар улар маълум бир даврда бир қанча кишилар гуруҳининг рекреация эҳтиёжларини қондира олсагина уларни рекреация ресурслари каторига қўшишимиз мумкин бўлади.

Бундан ташқари, *ижтимоий-иқтисодий объектлар* ҳам мавжудки, улар дам олиш жараёнида баъзан шароит сифатида, баъзан ресурс сифатида намоён бўладилар. Масалан, курорт шаҳарчаси рекреация фаолиятининг шароити сифатида юзага чиқса, унинг дам олиш муассасаларида банд бўлганлар қисми эса, ушбу хўжаликнинг меҳнат ресурслари ҳисобланади.

Рекреация ресурслари уч гуруҳга: А – интенсив фойдаланиладиган, Б – экстенсив фойдаланиладиган ва В – фойдаланилмайдиганлар ресурсларга ажратилади.

Рекреация ресурслари – дам олиш, туризм ва даволаш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган инсон фаолияти (антропоген) натижаси сифатида юзага келган табиатнинг объектлари ва ҳодисаларидир.

Улар қатор хусусиятларига эгадир. *Биринчидан*, улар тарихийдир, яъни рекреация истъемоли, техник-иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари ўсиб бориши билан шаклини ўзгартириб борадилар. Масалан, ботқоқликлар, саноат корхоналари, эски техника ва жиҳозлар ва бошқалар рекреация ресурсларига (туристик объектга) айланиши мумкин. *Иккинчидан*, улар ҳудудийдир, яъни катта майдонларни эгаллайдилар; дам олиш ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб эндиликда қишлоқ ва ўрмон хўжалигида фойдаланиладиган эрларга тенг бўлган миқёсдаги ҳудудларни талаб қилади. *Учинчидан*, ташкилий аҳамиятга эгадир, у ёки бу ихтисосликка эга бўлган рекреация корхоналари ва туристик маршрутлар сифатида алоҳида рекреация пунктлари, ҳудудлари ва зоналарини шакллантиришга ёрдам беради

Бинобарин, рекреация ресурсларининг икки типини ажратадилар – табиий ва маданий-тарихий типлари.

Табиий рекреация ресурслари деганда, жозибадорлик, хилма-хиллик ва ўзгарувчан ландшафтлар, ғаройиблик, ноёблик, объектларнинг ҳажми ва шакли, уларни намоён қилиш имконияти каби компонентлар ва хусусиятларга эга бўлган табиий-ҳудудий мажмуалар тушунилади.

Маданий-тарихий ресурсларга қуйидагилар киради:

- *моддий* – инсонларнинг билиш ва ўрганиш эҳтиёжларини қондирадиган

барча ишлаб чиқариш воситалари, ҳамда жамиятнинг моддий қадриятлари (тарихий ва маданий ёдгорликлар, халқ хўжалиги барча тармоқларининг корхоналари) дир.

- *маънавий* – жамиятнинг давлат-ижтимоий ҳаётида, фанда, маданиятда, санъатда эришган ютуқларидир.

Туристтик ресурслар – туризм мақсадларида инсоннинг эҳтиёжларини қондира оладиган табиий-иқлимий, ижтимоий-маданий, тарихий, архитектура ва археологик, илмий ва саноат, томошабоп, муқаддас жойлар ва бошқа объектлар ҳамда ҳодисалардир.

Туризм туристик ресурслардан мақсадли ва оқилона фойдаланишга асосланади. Туристтик ресурсларнинг моҳияти – туризм жараёнида пайдо бўладиган инсон эҳтиёжларини қондира оладиган туристик қизиқишга эга бўлган объектлардир. Қандайдир туристик ресурси бўлмаган жойда – туризм ҳеч қачон бўлиши мумкин эмас. Айрим туристик ресурслар фақат чекланган миқёслардаги туризмни тақазо этади, чунки туристик қизиқиш объектини бориб кўриш қисқа вақт давом этади, холос.

Туристтик ресурслар туризмни ташкил қилишнинг активлари, захиралари, ҳамда туристларнинг турли талаблари ва эҳтиёжларини қондира оладиган табиий, соғломлаштириш, маданий ва бошқа ресурслар йиғиндисига эга бўлган, табиий ва ижтимоий шароитлардан иборат бўлган туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Туристтик ресурслар миқдоран чекланган ва сифат жиҳатдан турлича бўлади, бинобарин, иқтисодий бойлик, такрор ишлаб чиқариш учун катта харажатларни талаб қиладиган маҳсулот сифатида юзага чиқади. Иқтисодий жиҳатдан туристик ресурслар туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш омили сифатида намоён бўлади, чунки унинг турларини кўплиги хўжалик учун фойдаланилиши натижасида турли туманликни келтириб чиқаради.

Туристтик ресурслар миллатнинг бойлигидир. Аммо, уларнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган баъзи бирлари, дунё аҳамиятига эга бўлган объектлар ва ёдгорликлар қаторига киритилгандир. Буларнинг рўйхатини БМТнинг

ЮНЕСКО ташкилоти белгилаб беради ва хар йили янгилаб боради. Барча маданият ёдгорликлари ва табиат объектлари давлат муҳофазасига олингандир, бутунжаҳон аҳамиятига эга бўлган ёдгорликлар ва объектларни сақлашга ва муҳофаза қилишга БМТ нинг маблағлари ҳам ажратилади.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси Рўйхатида Ўзбекистоннинг Хивадаги Ичан қалъа мажмуаси, Бухоро, Шаҳрисабз, Самарқанд тарихий марказлари киритилган.

Рекреация ва туристик ресурсларнинг бошқа турлари ҳам мавжуддир. Масалан, табиий даволаниш ва туристик ахборот ресурслари. *Табиий даволаниш ресурслар* бўлиб алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий объектлар ва ҳудудларга кирадиган, фойдаланишда ва муҳофаза қилишда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, аҳолининг даволаниши ва дам олиши учун мўлжалланган рекреация ресурслари ҳисобланади. *Туристтик ахборот ресурслари* туристлар томонидан бевосита саёҳат давомида, саёҳатдан олдин ёки бироз вақт ўтгандан кейин ҳудуд тўғрисида, унинг тарихи, маданияти, табиати ва одамлари тўғрисида олиши мумкин бўлган ахборотлардир.

Туризм мақсадида туристик ресурслар ва туристик объектлардан фойдаланиш асоси бўлиб туристик қизиқиш ва туристик таассурот ҳисобланади.

Туристтик қизиқиш бўлиб, турист томонидан туристик қизиқиш объектлари кўринишидаги муайян туристик ресурс мажмуасига асосланган, олдиндан қисман маълум бўлган туристик хизмат (иш), туристик маҳсулот тўғрисида туристнинг режалаштирган эҳтиёжини қондириш имконияти мавжуд бўлган объектив ахборотлар ва ижобий ҳиссиётлар олиш истиқболи ҳисобланади.

Туристтик қизиқиш объектларига турист томонидан саёҳат давомида эҳтиёжини қондира оладиган эътиборга сазовор жойлар, табиат объектлари ва табиий-иқлим зоналари, ижтимоий-маданий объектлар киритилади.

Туристтик таассурот деганда, турист томонидан туристик хизматларни истъемол қилиш, туристик товарни сотиб олиш, туристик

маҳсулотни истъёмол қилиш жараёнида эришилган ёки пайдо бўлган, туристнинг ижобий тарздаги ҳам руҳий, ҳам жисмоний ҳиссиётлари мажмуасидир.

Туристик таъсурот экскурсиялар давомида, чиройли табиат ландшафтларини бориб кўрганда, аттракционлар, ресторанларга борганда, меҳмонхонада яшаганда пайдо бўлади.

1.2. Минтақаларда рекреация фаолиятини ташкил қилишнинг хусусиятлари, омиллари ва тамойиллари

Инсоннинг рекреация эҳтиёжлари – инсоннинг жисмоний, ақлий ва маънавий такомиллашуви мақсадида жисмоний ва руҳий қувватларини тиклаш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёжлари.

Жамиятнинг рекреация эҳтиёжлари – ижтимоий-меҳнат ва ижтимоий-маданий салоҳиятни оддий ва такрор барпо қилишга бўлган эҳтиёжлар.

Рекреация эҳтиёжлари орасида умумий кўринишда (уларнинг тарихан пайдо бўлиши тартибида) қуйидаги йўналишларга қаратилган йирик гуруҳларини ажратиш мумкин:

- меҳнат қилиш, ўқиш ёки маиший фаолият жараёнида сарф қилинган ёки заифлашган жисмоний ва маънавий кучларни *қайта тиклаш* (шунинг учун ҳам унга рекреация номи берилган);

- инсоннинг жисмоний ва маънавий кучлари, жамиятнинг ижтимоий-меҳнат, маданий ва мудофаа салоҳиятини ривожлантириш, меҳнат фаолиятига, одамлар билан мулоқот қилишга тайёргарлик кўриш, яъни илгари тарбия билан берилганларни *ривожлантириш*;

- шахснинг янги белгилари ва сифатларини, янги турмуш тарзини *шакллантириш*, шахслараро, миллатлараро, ёшлари бўйича мулоқотларни кенгайтириш, мулоқот кўникмаларини, табиатни ва маданий қадриятларни улуғлашни шакллантириш ва ривожлантириш.

Рекреация фаолиятининг макон ва замонда ўзгаришларини, ҳамда

худудий ташкил қилинишини *ижтимоий, гуруҳий ва якка* рекреация эҳтиёжлари белгилаб беради. Рекреация эҳтиёжларининг макон ва замонда ўзгаришлари рекреация фаолиятини худудий ташкил қилиш шаклларида акс этади.

Ижтимоий рекреация эҳтиёжлари этакчи ҳисобланади. Уларни, авваламбор, жисмоний ва руҳий қувватларни тиклашдаги жамиятнинг эҳтиёжлари, ҳамда унинг барча аъзоларини ҳар томонлама ривожланиши сифатида белгилаш мумкин.

Гуруҳий рекреация эҳтиёжлари аҳолининг муайян ижтимоий ва ёш гуруҳлари эҳтиёжлари мазмунини акс эттиради.

Якка рекреация эҳтиёжлари ўз ичига одатий шароитларни ўзгартириш, соғлиқни тиклаш, чарчоқни йўқотиш, атрофдаги дунёни билиш, тўсиқларни энгиб ўтиш каби эҳтиёжларни қондирадиган кўпгина рекреация машғулотларини қамраб олади.

Рекреация эҳтиёжларининг реал жараёнларини, анъаналарини, ҳажмини ўрганиш иқтисодий, тиббий-биологик, демографик, социологик, ижтимоий-психологик ва табиатшунослик нуқтаи назаридан олиб борилиши керак. Тадқиқотнинг бундай кенглиги шунинг учун зарурки, рекреация эҳтиёжларининг шаклланиши кўпгина омиллар мажмуаси таъсирида юз беради. Бу омилларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. *Ижтимоий-иқтисодий омиллар*: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси; истеъмол бойликларини ишлаб чиқариш даражаси; дам олиш ва туризм соҳаси ривожланиши даражаси; аҳолининг реал пул даромадлари; товар ва хизматларнинг (рекреация) нархи; транспорт инфратузилмасининг ривожланиш даражаси; таътиллارнинг муддати; рекреация худудлари ва туристик маршрутлар тўғрисида реклама ахборотларнинг йўлга қўйилганлиги; аҳолининг ижтимоий ва касбий таркиби; маданий ҳаётнинг даражаси; аҳолининг ҳаракатчанлиги; миллий анъаналар.

2. *Демографик омиллар*: урбанизация; аҳолининг ёш-жинс таркиби;

оилаларнинг таркиби ва катталиги; аҳоли жойлашувининг хусусиятлари.

3. *Ижтимоий-психологик омиллар*: мулоқотга киришувчанлик; маданий ҳаёт тури; урф-русумларнинг (моданинг) таъсири; шахснинг кадриятларга таяниши.

4. *Тиббий-биологик омиллар*: аҳолининг соғлиги даражаси.

5. *Табиий омиллар*: инсоннинг яшаётган табиат зонаси; географик ўриннинг денгизларга, тоғларга нисбатан хусусиятлари.

Рекреация эҳтиёжларини иқтисодий баҳолашнинг муҳим масалаларидан бири – иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида аҳолининг рекреация хизматларига бўлган эҳтиёжларининг кондирилиши даражасини аниқлаш ҳисобланади. Рекреация эҳтиёжларини иқтисодий баҳолаш бошқа – тиббий-биологик, социологик ва ижтимоий-психологик баҳолашларнинг жиҳатларини ўзаро боғлаб туради.

Рекреация эҳтиёжларини ўрганишнинг *тиббий-биологик жиҳатлари* санатория-курорт даволашининг ҳажми ва тузилишини аниқлаш билан белгиланади. Соғлиқни тиклаш эҳтиёжлари тиббий-биологик нуқтаи-назаридан кам ўрганилгандир. Адабиётларда рекреация фаолиятининг тиббий-биологик вазифалари тўғрисида энг умумий маълумотлар берилади. Булар авваламбор, рекреация фаолиятининг фаол турлари (мускулларга юклама бериш) ва рекреация фаолиятининг хилма-хиллиги (фаолиятнинг бир туридан иккинчисига ўтиш) ҳисобланади.

Инсоннинг яшаш жойига, ёшига, ижтимоий келиб чиқишига, нерв тизимининг типига боғлиқ ҳолда, унинг организмига дам олишнинг жойи ва вақти қандай таъсир кўрсатиши масаласи ҳам, кам ўрганилган бўлиб қолмоқда. Рекреация эҳтиёжларининг социологик ва ижтимоий-психологик тадқиқотлари ижтимоий гуруҳлар ва шахслар рекреация эҳтиёжларининг атроф-муҳит билан ўзаро алоқасини ўрганишга йўналтирилгандир.

Рекреация эҳтиёжлари инсоннинг руҳий, жисмоний ва маънавий қувватларини қайта тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган фаолият сифатидаги рекреация фаолиятининг муайян турларида амалга оширилади.

Бўш вақтнинг *икки асосий вазифасини* ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Меҳнат соҳаси ва бошқа зарурий ишлар билан шуғулланадиган инсоннинг куч қувватларини қайта тиклаш вазифаси;

2. Маънавий ва жисмоний ривожлантириш вазифаси.

Қайта тиклаш вазифаси (руҳий-физиологик): овқатланиш, уйқу, ҳаракатларни ўз ичига олади. У руҳий-физиологик кўрсаткичларни оддий қайта тиклаш вазифасини бажаради.

Ривожлантириш вазифаси (маънавий-ақлий): соғлиқни тиклаш, билим олиш, мулоқот қилишни ўз ичига олади.

Рекреация фаолиятининг турлари *рекреация машғулоти* деб аталадиган амалга оширишнинг муайян миқдордаги воситаларига эгадир.

Рекреация фаолияти жараёнида амалга ошириладиган машғулотлар ичида рекреация машғулотларининг ўзини (чўмилиш, пиёда сайр қилиш, кўзиқорин ва ўрмон меваларини териш ва ҳ.к.) ажратиш мумкин. Улардан фарқ қиладигани кундалик физиологик зарурий эҳтиёжлар (уйқу, овқатланиш) ҳисобланади.

Рекреация машғулотларининг ўзи типологияси бўйича 4 та асосий машғулотлар турини бирлаштирган 2 та гуруҳга ажратиш мумкин.

1. *Қайта тиклаш гуруҳи:*

а) рекреация-даволаш машғулоти;

б) рекреация-соғлиқни тиклаш машғулоти.

2. *Ривожлантириш гуруҳи:*

а) рекреация-спорт машғулоти;

б) рекреация-маърифий машғулоти.

Рекреация-даволаш машғулоти санатория-курорт даволаши усуллари билан қатъий белгиланадиган машғулотлар тизимидан иборат бўлади. Даволаниш ва курорт рекреацияси асосан даволанишнинг табиий омилларига кўра фарқ қилади. Бу факторлар: иқлим омиллари, минерал булақлар, малҳамли балчиқлар кабилардир. Жумладан, Ўзбекистонда шу каби шифобахш сувлар кенг тарқалган. Уларнинг ҳар бири шифобахшлик

хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Республика жанубидаги “Омонхона”, “Анжир Ота” сувлари шулар жумласидандир. Бироқ, бу масканларга курорт даражасида баҳо бериб бўлмайди, яъни собиқ Иттифоқ даврида Кавказ худудидаги минералли сувлар бўлиши билан бирга, денгиз ва тоғли минтақаларнинг яқинлиги, бу ҳудудларни курорт даражасига олиб чиққан эди. Аммо, юртимиздаги Шохимардонсой, Норин, Хумсан, Хонжиза каби тоғли минтақалар ўзининг табиати билан ўзига хос аҳамиятга эга.

Рекреация-соғлиқни тиклаш машғулоти тури анча хилма-хилдир. Унга сайр қилиш, чўмилиш, ҳаво ва куёш ванналари, ўйинлар, кўзиқорин ва ёввойи меваларни териш, ов қилиш, нофаол дам олиш ва ҳ.к. қиради.

Рекреация-спорт машғулоти инсоннинг асосан жисмоний қувватларини қайта тиклашга қаратилгандир. Рекреация-маърифий машғулоти инсонни маънавий бойитиш вазифасини бажаради. Рекреация машғулотларининг кўп турлари муайян вазиятларда биргаликда қўлланилади. Рекреант муайян вақт бирлиги давомида рекреация машғулотларини биргаликда қўшиб олиб бориши мумкин. Ваҳоланки, қанчалик кўп қўшиб олиб боришлар бўлса, рекреация фаолияти шунчалик самарали бўлади, чунки вақт бирлиги давомида кўпгина рекреация эҳтиёжлари қондирилади.

Маълум бир вақт бирлиги ичида такрорланиб турадиган рекреация машғулотларининг барқарор қўшилмасига рекреация фаолиятининг цикллари деб номланади.

Турли хилдаги рекреация фаолияти циклларининг 17 тури ажратилади:

- 1) сувдаги; 2) альп тоғлари монанд; 3) альпинистларники; 4) фаол-соғломлаштирувчи; 5) тижорат-ишбилармонлик; 6) курорт; 7) маданий-тарихий; 8) овчилик-балиқчилик; 9) зиёратга бориш; 10) денгиз бўйи; 11) саргузашт; 12) кўнгилочар; 13) спорт; 14) фестивал-конгресс; 15) экологик; 16) экзотик; 17) этнографик.

Рекреация машғулотларининг турли-туманлиги, бирлашганлиги ва

цикллилиги рекреация хуудларининг ва уни ташкил қилишнинг хусусиятлари билан боғлиқдир. Машғулотларнинг хилма-хиллигига рекреация ресурсларининг хилма-хиллиги мос келиши керак.

Хулоса сифатида айтиб ўтиш керакки, рекреация фаолияти эволюциясининг 3 асосий тенденцияси мавжуд:

- соғлиқни тиклаш, спорт ва билиб олиш машғулотларининг нисбатан аҳамияти ошиб бормоқда.
- бошқа турдаги машғулотларнинг ортиб бориши билан биргаликда даволаш машғулотлари нисбатан камаймоқда.
- илгари қўлланилмаган рекреация машғулотларининг янги турлари пайдо бўлмоқда.

Туроператор – бошқа вазифалар билан биргаликда турни лойиҳалаштирадиган мутахассисдир: туристик марказларнинг рекреация ихтисослашувини белгилаш; туристик маршрутларни белгилаш; дам олиш дастурини ишлаб чиқиш; дам олиш дастурининг самарадорлигини аниқлаш; турнинг кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш ишларини бажаради.

Туроператор ўз вазифаларини самарали амалга ошириши учун ёрдам берадиган кўплаб туроперейтинг муолажалари ишлаб чиқилган. Ушбу бобда В.С.Преображенскийнинг рекреация лойиҳалашни тамойилларига асосланган турларни рекреацион баҳолаш концепцияси (йўналишлари) таклиф қилинади.

Рекреалогия – инсоннинг жисмоний, ақлий ва маънавий ҳаёт қувватларини кенгайтирилган такрор барпо қилиш тўғрисидаги фандир. Унинг тадқиқот предметига мувофиқ рекреацион лойиҳалашнинг махсус технологиялари ёрдамида рекреацияни меъёрлаштириш масалалари энг муҳим бўлиб ҳисобланади.

В.С.Преображенский ушбу муаммони ҳал қилишда икки тадқиқот йўналишини: “ресурсдан бошланадиган” ва “истъемолдан бошланадиган” йўналишларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўяди. У рекреация тизимининг базавий моделини таҳлил қилар экан, у инсон-сайёҳни рекреация

тизимида марказий кичик тизим сифатида этакчи ўринга кўтаради, чунки бошқа кичик тизимларнинг ҳолати ва моҳияти марказий кичик тизимнинг талабларига боғлиқ бўлади.

Рекреацияни лойиҳалаштириш – рекреация талабларини ҳисобга олган ҳолда дам олиш дастурини ва унинг тизимларига хизмат кўрсатишни вариантли моделлаштиришдир.

Рекреацияни лойиҳалаштириш туроператорнинг тур лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичидаги вазифасидир. Бу вазифа, яъни – турнинг рекреация дастурини ишлаб чиқиш, одатда, туроператор учун муайян мазмунга эга бўлади. Рекреацияни лойиҳалаштириш моделидан фойдаланиб унинг аниқ амалга оширилишини анчагина соддалаштириш ва жадаллаштириш мумкин бўлади.

Моделлаштиришда рекреация фаолиятининг босқичлилиги тамойили асос қилиб олинган (И.В.Зорин, В.А.Квартальнов, 1994), ҳамда В.С.Преображенскийнинг рекреацияни лойиҳалаштиришнинг фаолиятли-ландшафт тамойили олинган.

Туроператорнинг алифбоси, ушбу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, ҳарфлар ўрнига рекреация фаолиятининг бирлашмаси бўлиши керак. Асосий тушунчалар: рекреация фаолияти; оддий рекреация машғулоти; рекреация фаолиятининг типлари; рекреация фаолиятининг такрорланиши.

Рекреация фаолияти – инсонларнинг хаётий қувватини кенгайтирилган такрор барпо қилишга қаратилган ва инсонлар хулқ-атворининг нисбатан хилма-хиллиги ва жараённинг мустақиллиги билан тавсифланадиган фаолиятдир.

Оддий рекреация машғулоти – яхлит, бир хил бўлган, технологик қисмларга ажратилмаган рекреация фаолиятидир.

Рекреация машғулоти цикллари яратиш, дам олиш дастури учун асос бўлиб, оддий рекреация машғулоти хизмат қилади. Хориж социологларининг маълумотларига кўра, оддий рекреация машғулотларининг сони ҳар 10 йилда икки баробарга ошади, ХХИ аср бошида уларнинг сони 100 минг турдан

ошиб кетди. Мана шундай катта сондаги ҳажмни таҳлил қилиш мураккаблиги сабабли уларни рекреация фаолияти типлари каби янада йирикрок гуруҳларга бириктириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Рекреация фаолияти тип – оддий рекреация машғулотларининг бир хилдаги гуруҳланиши бўлиб, уларнинг ҳар бири ушбу гуруҳдаги бошқа барча оддий рекреация машғулотлари учун ўрин алмашувчан ва муқобил ҳисобланади. Масалан, кўзикорин бўлмайдиган мавсумда сайёҳларга ўрмон мевалари, гиёҳлар, ёнғоқларни теришни таклиф қилиш мумкин.

Рекреация фаолиятини типларга ажратиш учун муҳим асос бўлиб, уларнинг вазифа йўналиши хизмат қилади. Қуйидаги рекреация вазифалари ажратилади: *даволаш* – инсоннинг саломатлигини тиклашга йўналтирилган; *маърифий* – шахснинг маънавий салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган; *спорт* – инсоннинг жисмоний қувватларини тиклашга йўналтирилган.

Оддий рекреация машғулотларининг барча хилма-хил турлари таснифлашда 67 та рекреация фаолияти типларига мужассамлаштирилган. Моҳиятига кўра, рекреация фаолиятининг типлари ўзига хос “ҳарф”ларни ташкил қилиб, туроператор улардан “сўз” – рекреация фаолиятининг цикллари яратиши мумкин, кейинчалик эса цикллardan ва “гап”лардан – дам олишнинг дастурини яратиши мумкин.

Ҳар бир оддий рекреация машғулоти (ОРМ) рекреация вазифалари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, мақсад қилиб қўйилган машғулот бўлиши сабабидан келиб чиқиб, этакчи бўлиши ҳам мумкин, “етакланувчи” бўлиши ҳам мумкин. Шунга асосланган ҳолда қуйидагилар ажратилади:

- *мақсадли* ОРМ, рекреация фаолиятининг асосий сабаби сифатида;
- *қўшимча* ОРМ, рекреациянинг асосий мақсадини амалга оширмайдиган, лекин рекреация машғулотларининг циклини хилма-хиллаштирувчи, уни жонлантирувчи сифатида;
- *биргаликда келадиган* ОРМ, махсус рекреация самарасини бермайдиган, лекин физиологик ва технологик чекловлар бўйича зарур

бўлувчилар сифатида.

Кунлик дам олиш учун энг маъқуллари сифатида куйидаги рекреация фаолиятлари мос келади: сайр қилиш билан дам олиш, очик ҳавода хаваскорлик машғулоти, спорт ўйинлари ва машқлари, сув муолажалари, бино ичидаги ўйинлар ва ҳ.к.;

Ҳафталик дам олиш учун – сувда олиб бориладиган ҳаракатчан машғулотлар, спорт туризми, спорт ўйинлари ва машғулоти, экскурсия туризми, овчилик-балиқ овлаш туризми, очик ҳавода хаваскорлик машғулоти ва ҳ.к.;

Таътил учун – иқлимга мос, спорт, овчилик-балиқ овлаш, балчикдан фойдаланиш, экскурсия туризми, сув олиб бориладиган машғулоти.

Илмий адабиётларда рекреация фаолиятини турлича таснифлаш ва гуруҳлаш учрайди. *Кўпчилик ҳолларда уларнинг асосида қуйидагилар ётади:* саёҳатдан мақсад; ташкил қилишнинг моҳияти; ҳуқуқий мақом; саёҳатнинг ва рекреантнинг муайян жойда бўлишининг давомийлиги; мавсумийлик; рекреант ҳаракатининг моҳияти; унинг ёши; машғулотининг фаоллиги ва ҳ.к.

Ижтимоий функцияси ва технологияси бўйича даволаш, соғлиқни тиклаш, спорт ва маърифий (билиб олиш) рекреация фаолиятлари ажратилади.

Даволаш-курорт рекреацияси асосий даволаш омиллари: иқлим, балчик, минерал сувлар бўйича фарқланади. Даволаш-курорт рекреациясининг шарт-шароитлари тиббий-биологик нормаларга мос келиши керак.

Соғлиқни тиклаш ва спорт рекреацияси анча хилма-хилдир. Бутун дунёда энг оммабоп бўлгани *қирғоқбўйи-чўмилиш дам олишидир*. Бундан ташқари, сув бўйида ва сувда дам олиш турли рекреация машғулотларини ўз ичига олади. *Сайр қилиш ва терим-сайри билан дам олиш* очик ҳавода сайр қилишдан, манзараларни томоша қилишдан, кўзиқорин ва ўрмон мевалари териш, сув ости бойликларини йиғиш кабилардан иборат бўлади.

Маршрут туризми спорт бўйича ҳам, соғлиқни тиклаш бўйича бўлиши

мумкин. Тўсиқларни энгиб ўтиш моҳиятига кўра, у текислик ва тоғ ҳудудида ўтказиладиган турларига ажратилади. У маърифий-ўлкашунослик туризми билан чамбарчас боғланган. Ҳаракатланиш воситаларидан фойдаланиш моҳиятига кўра пиёда, механизмлар ёрдамида ва х.к. бўлиши мумкин. Унинг амал қилиш миқёси ҳам турличадир: маҳаллий, минтақавий, давлат миқёсида.

Маърифий (онг ва тафаккурни бойитувчи) рекреация. Маърифий жиҳатлар рекреация машғулотларининг кўпчилигига хосдир. Аммо, маданий кадриятларни маълумот сифатида қабул қилиш билан боғлиқ бўлган айнан маърифий рекреация машғулотлари: маданий-тарихий ёдгорликларни, эътиборга сазовор жойларни бориб кўриш, янги ҳудудлар, шаҳарлар, мамлакатлар, уларнинг этнографияси, иқтисоди, маданияти, тарихи билан танишиш кабилар мавжуддир.

Халқаро ва ички туризмда конгресс туризми, кўрғазмалар, ярмаркалар, спорт мусобақалари, фестиваллар ва муқаддас жойларга зиёратлар ўзига хос ўринга эгадир. Бу тадбирлар анча каттагина туристик оқимларни вужудга келтиради.

Бўш вақтдан фойдаланишнинг мазмунига қараб кунлик, ҳафталик ва йиллик бўш вақтларга ажратилиши услубий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади, чунки дам олишнинг таркибини ва рекреация мақсадларида бўш вақтдан фойдаланишни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади. Мана шундай тарзда қисмларга ажратилаган бўш вақт, рекреация фаолиятини даврлар бўйича ва ҳудудий белгилари бўйича қараб чиқишга имконият яратади. Кундалик бўш вақтдан фойдаланиш уй-жой ва шаҳар муҳитига бевосита боғлиқдир. Ҳафталик рекреация шаҳар атрофидаги рекреация объектлари ва дала ҳовлилар жойлашувига боғлиқ бўлади. Йиллик бўш вақтдан фойдаланиш курорт типигаги рекреация объектларининг жойлашувига боғлиқдир. Шунга мувофиқ тарзда аҳоли пункти ичидаги; маҳаллий ҳафталик (шаҳар атрофидаги дам олиш); йиллик минтақавий, мамлакат ичидаги ёки халқаро рекреация турларига ажратилади.

Ташкил қилиш моҳиятига кўра рекреация қатъий белгиланган (йўлланмалар бўйича режалаштирилган) ва ихтиёрий («ёввойй» дам олиш) турларига бўлинади.

Иштирокчилар сонига қараб якка тартибдаги (оилавий билан бирга) ва гуруҳий туризмга бўлинади. Майдон бирлигига тўғри келадиган рекреантлар сони билан аниқланадиган *ижтимоий мулоқотлар зичлиги* деган кўрсаткич катта аҳамиятга эга бўлади. Алоҳидалашувга интилиш *марказдан қочма*, мулоқотга интилиш эса *марказга ҳаракат* тарзида ифодаланиши мумкин.

Ҳаракатчанлик белгисига қараб туризм бир жойдаги ва кўчиб юривчи турларга ажратилади. Бир жойдаги туризмни ажратишда шунга эътибор қаратиладики, бундай ҳолатда саёҳат қандайдир курортда бўлиб келиш билан амалга оширилади. Туризмнинг мунтазам шаклига: даволаниш туризми ва соғлиқни тиклаш - спорт туризмнинг айрим турлари киритилади. Кўчиб юривчи туризм доимий ҳаракатни, жойни ўзгартириб туришни назарда тутди. Натижада туризмнинг моддий-техника базаси тобора йўлларга яқинлашиб бормоқда. Рекреация хўжалигининг ривожланиши кенгайиш билан биргаликда рекреация тармоғида ҳудудий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви билан юз бермоқда.

Рекреациянинг кўпгина турлари мавсумий моҳиятга эгадир. Мавсумийлик кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради (дам олувчилар энг кўп бўладиган ва энг бўлмайдиган даврлар). Иқлим ва об-ҳаво мавсумийликнинг энг муҳим ва объектив омиллари ҳисобланади. Мавсумийлик яна одамларда эскича фикрлашларидан ҳам келиб чиқади. Корхоналар таътиллари асосан ёзда берадилар, таълим муассасаларида ҳам таътиллари ёзда бўлади, одамлар дам олишга июндан сентябргача бўлган даврда боришга интиладилар. Фақатгина санатория-курорт муассасалари йил бўйи хизмат кўрсатадилар, лекин бу эрда ҳам мавсумийлик (кам даражада бўлса ҳам) учраб туради.

Фойдаланиладиган транспорт хизматларининг моҳиятига кўра туризм автомобиль, авиация, темир йўл ва сув транспорти туризми турларига

бўлинади.

Хуқуқий мақомига кўра туризм миллий (ички) ва халқаро (хорижий) турларига ажратилади. Халқаро туризм мамлакатнинг тўлов балансига таъсир кўрсатишига қараб фаол ва нофаол турларига бўлинади. Ҳар бир мамлакат учун унинг фуқаролари бошқа мамлакатларга саёҳат қилиши *нофаол туризм*, хорижий сайёҳларнинг келиши эса *фаол туризм* дейилади.

Саёҳат қилишнинг давомийлигига қараб халқаро туризм қисқа муддатли ва узоқ муддатли турларига ажратилади. Агар туристик саёҳатнинг давомийлиги 3 кунгача бўлса, уни қисқа муддатли туризм, агар 3 кундан ошса узоқ муддатли туризм қаторига киритадилар.

1.3. Ўзбекистон Республикасида рекреация соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Республикамиз иқтисодиётининг кейинги йилларда жадал суръатларда барқарор ва мутаносиб равишда минтақалар ва тармоқлар кесимида ўсиб бораётганлиги бевосита инвестиция фаолиятининг фаоллашаётганиги билан боғлиқ. Кўпгина ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилинганда, иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва кейинчалик унинг ўса бошлаши ЯИМда жамғармаларнинг 1 фоизга ошиши ЯИМнинг ҳажмини 0,1 фоизга ошишига олиб келади.

Кўпчилик давлатларнинг тажрибалари кўрсатишича, давлат аралашувисиз модернизация ёки диверсификация жараёнларини амалга ошириш анча мураккаб бўлиб тез ва яхши самара бермайди. Жумладан, баҳоларни эркинлаштириш, мулкларни тақсимлаш, қаттиқ пул-кредит сиёсати оқибатида кўпгина давлатларда инвестициялар оқимини пасайишига олиб келди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инвестиция сиёсати борасида на бюджет маблағлари, на тижорат банклари кредитлари, на портфель инвестициялар ва на аҳоли маблағлари ёки хорижий инвестициялардан кўзда

тутилган натижаларга эришиб бўлмади. Чунки, барча соҳалардаги каби хизмат кўрсатиш тармоқларида, хусусан, туристик хизматлар соҳаси ва бозорида давлат томонидан инвестиция сиёсатини мувофиқлаштириш-дан воз кечиш ёки соҳага этарлича эътибор қаратмаслик, аксарият ҳолларда мазкур соҳада беқарорликни келтириб чиқарди: яъни, туристик хизматлар талаби ва таклифининг номуносиблиги; ижтимоий ва тижорий туризм ривожланиши ўртасидаги ханузгача давом этаётган беқарорлик; туристик хизматлар баҳоларининг муттасил ошиб бориши ва ҳк. Шу сабабли, айнан туризм мажмуаси туристик хизматлар соҳаси учунгина эмас, балки бутун иқтисодиёт тармоқларида инвестиция сиёсатини тартибга солиш мақсадида 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди⁶.

Ушбу қўмита ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул ваколатли давлат органи; молия институтлари (бошқарувчи офиси) билан марказлаштирилган ҳолда ўзаро ҳамкорлик бўйича ваколатли орган саналади.

Шунингдек, қўмитанинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари куйидагилар ҳисобланади⁷:

✓ ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат минтақаларига инвестициялар ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантиришга қаратилган чет эл инвестицияларини жалб қилиш, республикадаги инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ривожланишини қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш;

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 2017 йил 31 мартдаги ПФ-4996-сон Фармони (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги ПФ-5643-сонли «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони*); Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2868-сонли Қарори\lex.uz

⁷ <http://lex.uz/docs/3247196>

- ✓ чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шароитларни яратиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ✓ Ўзбекистон Республикасининг йиллик Инвестиция дастурларини ва минтақавий инвестиция дастурларини, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳалар бўйича шакллантиришда қатнашиш, келишиш ва мониторингини амалга ошириш, чет эл инвестициялари, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашиш воситаларини жалб қилиш учун инвестициявий таклифлар ягона базасини юритиш;
- ✓ Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, хорижий банклар, фондлар, агентликлар, компаниялар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда инвестициявий ҳамкорлиги йўналишларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ✓ чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва амалга татбиқ этишда, шунингдек халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари билан инвестициявий ҳамкорликни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги доимий вакилларининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ✓ Ўзбекистон Республикасининг чет мамлакатлар, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматлар молия институтлари, этакчи хорижий компаниялар ва банк тузилмалари билан инвестициявий ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномаларини тайёрлашда, келишишда ва имзолашда иштирок этиш;
- ✓ тармоқ инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурлари, ишлаб чиқариш, транспорт-

коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари кўмак воситаларини жалб қилиш;

✓ инвестиция лойиҳалари бажарилишининг бориши устидан тизимли мониторинг олиб бориш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятининг, шунингдек инвестор томонидан инвестиция мажбурият-лари бажарилишининг таҳлилини ўтказиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар қабул қилиш асосида мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестицияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

✓ халқаро ва хорижий ҳукуматлар молия институтларидан жалб қилинаётган кредит ресурслари ва техник кўмаклашиш воситалари (грантлар), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобига марказлаштирилган инвестициялардан билан уйғунликда чет эл, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестицияларни, молиявий-техник самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

✓ Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда хорижий инвесторларга мамлакатнинг иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти ҳақида кенг ахборот бериш мақсадида халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумлари ўтказилишини ташкил этиш ва ҳ.к.

Туристтик хизматлар соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб инвестициялар самарадорлигини юқори даражада таъминлайдиган соҳа ҳисобланади. Юқоридаги каби айнан туризм соҳасида ҳам давлатнинг инвестиция сиёсати, соҳани тартибга солиш восита ва механизмлари такомиллашмаган эди. Аммо, бозор иқтисодиётига ўтиш туристик хизматлар ва мехмонхона хўжалиги соҳасига комплекс ёндашувни талаб қилгани ҳолда соҳанинг рақобат

устуворликларини, уни тартибга солиш йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда⁸.

2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу фармоннинг мақсади мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантиришдан иборат, деб белгиланган.

Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва ривожланишини мувофиқлаштириш модели миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш концепциясининг таркибий қисми сифатида қаралади (1.3.1-расмга).

Туризм соҳасининг муҳимлиги яна шу билан изоҳланадики, туристик хизматлар соҳасини мамлакатни ислоҳ қилишнинг муҳим умумиллий жиҳати сифатида қаралиши лозим. Айнан шунинг учун ҳам “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.2-бандида “туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш⁹” - устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ўзбекистонда туризм соҳасининг ташкилий ҳуқуқий асослари бўйича қабул қилинган ҳужжатларни биз шартли равишда 4 даврга бўлиб ўрганишни таклиф этамиз, жумладан:

-1999-2005 йиллар оралиғида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар;

⁸ Гуляев В.Г. Туризм: экономика и социальное развитие. - М.: Финансы и статистика, 2003. С. 304 .

⁹ <http://lex.uz/docs/3247196>

- 2005-2012 йиллар оралиғида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар;
- 2012-2016 йиллар оралиғида қабул қилингандан меъёрий ҳужжатлар;
- 2016 йилдан то бугунги кунгача қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар.



1.3.1-расм. Рекреация соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан тартибга солиш модели¹⁰

1999-2005 йиллар оралиғида деярли жуда кам сондаги туризм соҳасига оид қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган ҳамда улар туризмни дастлабки ҳолатини яхшилашга қаратилган.

¹⁰ Муаллиф ишланмаси

2005-2012 йиллардаги қонунлар ҳам кўпроқ туризмнинг айрим йўналишларини тартибга солишга бағишланганлиги билан характер-ланади.

2012-2016 йиллардаги қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатлари кўпроқ туризмни босқичма-босқич минтақавий даражаларда умумий ривожланишига туртки бериш бўйича муҳим қадамлардан бири бўлди.

Аммо, 2016 йилдан бошлаб то бугунки кунгача қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меърий ҳужжатлар республикада соҳанинг ривожланишида инқилобий ўзгаришларни амалга оширилишига туртки бўлгани ҳолда, бу даврда нафақат республика бўйича, балки минтақавий даражада туристик хизматлар ва уларнинг турларини шакллантириш, жойларда туринафратузилмани жадал ривожлантириш, туризм соҳасидаги расмиятчиликларни бартараф этиш ёки юмшатиш, тўсиқларни олиб ташлашда муҳим қадам бўлмоқда. Шунинг учун, диссертация ишимизнинг ушбу параграфида асосан кейинги қабул қилинганларига тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2953-сонли Қарорининг 4-бандига кўра¹¹, 2017 йил июнь ойидан бошлаб Урганч ва Хива шаҳарларига темир йўл чипталарини туризм ташкилотлари томонидан ташкил этилган **туризм гуруҳлари учун 15 фоиздан кам бўлмаган чегирмалар билан тақдим этиш** тизими жорий этилди.

Шунингдек, қарорнинг 5-бандига асосан Урганч ва Хива шаҳарларига авиақантновларда туризм ташкилотлари томонидан ташкил этилган **туризм гуруҳлари учун мослашувчан чегирмалар тизимини тақдим этиш** масаласи кўриб чиқилди. Бундан ташқари, қарорнинг 11-банди ижросини таъминлаш мақсадида йил давомида МДХ давлатларидан Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива йўналиши бўйича **йўналиш чипта-ларига чегирмаларни, транспорт туридан қатъий назар, тақдим этган ҳолда, туристларни жалб қилиш** ишлари фаоллаштирилди. Шунингдек, 12-

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2953 сонли 2017 йил 4 майдаги “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳринининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тўғрисида” ги Қарори\lex.uz

бандига асосан доимий равишда туризм субъектларига Хива туманида экзотик туризмнинг янги турларини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш: туяда сафар қилиш, чўл ҳудудларига сайр қилиш, кўлларда балиқ овлаш, табиат қўйнида дам олиш ва бошқалар жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3217-сонли қарорининг¹² 3-бандига асосан 2017 йил ноябрь ойдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан туристик гуруҳлари учун визалар беришда туристларнинг гуруҳ сифатида баҳоланиши учун талаб қилинадиган энг кам сони 10 нафардан 5 нафаргача қисқартирилди. Одатда туристларнинг яқин қариндошлари ва дўстлари билан саёҳатга чиқишини ва бунда 10 кишилиқ гуруҳни йиғиш қийинлигини инобатга олиб, мазкур имтиёз тақдим қилинмоқда. Шунингдек, мазкур қарорнинг 10-банди ижросини таъминлаш мақсадида доимий равишда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига:

- тадбиркорлик субъектларига янги меҳмонхоналар ва бошқа туризм инфратузилма иншоотлари қуриш, мавжудларини модернизация қилиш учун узоқ муддатли (15 йилгача) кредитлар ажратишни амалиётга жорий қилиш, бунда кредит ва фоизларни қоплашнинг меҳмонхоналар капитал талаблилиги ва мавсумий юкланганлигини ҳисобга олувчи шароитдан келиб чиқадиган талабларни назарда тутиш;
- аэропортлар, темир йўл вокзаллари, меҳмонхоналар ва бошқа туризм объектларида халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган банкомат ва терминаллар миқдорини тубдан кўпайтириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига тўловларни чет эл валютасида қабул қилиш, жумладан, алоқасиз электрон тўловларни жорий қилиш бўйича қўшимча қулайликлар яратиш;
- тадбиркорлик субъектларига чет эл валютасидаги маблағларни ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар, терминаллар ижараси, эркин конвертация

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3217-сонли қарори\\lex.uz

қилинадиган валютадаги нақд пулларни инкассация қилиш ва чет эл валютасида операциялар амалга ошириш билан боғлиқ бошқа **хизматлар учун йиғимларнинг (комиссия тўловларининг)** миқдори максимал даражада мақбул бўлишини таъминлаш тавсия қилинди.

Бундан ташқари, 11- бандда белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан 2022 йил 1 январга қадар меҳмонхоналар - бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган малакали хорижлик мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлашдан;

Меҳмонхоналарга бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинадиган малакали хорижлик мутахассислар даромадлари - жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод этилди.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА РЕКРЕАЦИЯ СОҲАСИ ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистонда туризм ва рекреация фаолиятининг ривожланиши таҳлили

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришни бошқариш ғоят мураккаб тизим бўлиб, унинг асосини режалаштириш, ташкил этиш, назорат, тартибга солиш, ҳисоб-китоб ва бошқалар ташкил этади. Бошқариш жараёнида турли тузилма ва тармоқлар, мажмуалар ўртасида турли шаклда ўзаро муносабат ва ўзаро таъсир юзага келади. Улар миллий режа, қоида, дастурлар, кўрсатмалар, қарор, фармон, қонунлар доирасида тартибга солинади ва бу жараёнда интеграция амалга оширилади.

Шу нуқтаи назардан экологик ва рекреация туризмни ривожлантиришни бошқариш, бир томондан туризм соҳасида республикада ягона сиёсатни амалга оширувчи давлат органи дастлаб “Ўзбектуризм” миллий компанияси (1992 йилда тузилган), сўнгра 2016 йил 2 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси таркибига кичик ихтисослашган соҳа сифатида киради, бошқа томондан эса, у экологик хавфсизлик, атроф - муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уни такрор барпо этиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказишни таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда республика минтақа, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан узвий боғлиқ. Сўнгги ҳолатда экотуризм фаолиятини бошқаришда мамлакатимизда амалга оширилаётган экологик стратегиянинг асосий йўналишларидан бири – экологик ва иқтисодий сиёсатнинг интеграцияси, яъни бозор тизимида экологик омил ва фаолият турларини самарали интеграциялаш табиий-экологик-иқтисодий асос бўлиб хизмат қилади.

Миллий иқтисодиёт тизимида экологик ва рекреация туризмни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги (1999, 2019 йй) қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “Туризм

фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги (2003 й.), “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (1992 й.), “Экологик экспертиза тўғрисида” (2000 й.), “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” (2004 й.), “Экологик назорат тўғрисида” (2013 й.) қонунларида яратилган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида туризмнинг бозор муносабатларига асосланган янги ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди. Замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиб, туризмнинг жаҳон андозалари даражасидаги янги йўналишлари жорий қилинди. Мавжуд тарихий маданий ёдгорликлар таъмирланиши баробарида, улар ва бошқа кўплаб ноёб туристик салоҳият объектлари кенг кўламда тарғиб этилди. Бу каби тизимли чора - тадбирлар кутилган самарани бериб, юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти тобора ошмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлатлар қаторига киради. Мамлакатимизда 7 мингдан зиёд номир тарихий ёдгорликлар ҳамда битиклар, архитектура намуналари, кўплаб туристик салоҳиятга эга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг мавжудлиги, миллий маданият, санъат ва ҳунармандчиликнинг кўп асрлик анъаналари асраб аввайлаб келинаётганлиги хорижлик туристларнинг юртимизга бўлган қизиқишини янада кучайтираётир. Бироқ мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилмаётганлиги туфайли соҳанинг хизмат кўрсатиш ва экспортдаги ўрни жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада орқада қолган. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра ҳозирги вақтда туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши жуда паст – атиги 2 фоиз атрофида бўлиб, сайёҳлик хизмати кўрсатишга ихтисослашган 400 та фирма ва ташкилотларнинг 92 фоизи, сайёҳларнинг 93,1 фоизи Тошкент шаҳри (73,4 фоиз), Самарқанд (13,1 фоиз), Бухоро (4,5 фоиз) ва Хоразм (1 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш

чора – тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (Халқ сўзи, 2016 йил, 7 декабрь) мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиб, уни изчил ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ушбу ҳужжатда туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида тараққий топтириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий – ҳуқуқий шарт – шароитлар яратиш, мавжуд салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, тармоқни бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, Ўзбекистоннинг ижобий сайёҳлик қиёфасини шакллантириш йўналишлари белгилаб берилган. Уларнинг изчил ижроси юртимизни жаҳон туризмнинг муҳим марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Мазкур Фармонда соҳанинг бошқарув тузилмасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият берилган. Янгидан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти, энг аввало, назорат ва маъмуриятчилик вазифаларини амалга оширишга эмас, балки туризда тадбиркорлик фаолиятини кучайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир, яъни, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, сайёҳликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, хизматлар бозорида рақобатни ривожлантириш, лицензиялаш, сертификатлаш ва бошқа рухсатномалар бериш унинг зиммасига юкланади. Ўз навбатида Фармонда, Ўзбекистонда яқин вақтда туризм соҳасини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш концепцияси, 2017-2021 йилларда концепцияни амалга ошириш юзасидан аниқ чора – тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, соҳа корхоналарига қўшимча имтиёз ва переференциялар бериш бўйича ҳам долзарб тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Унга кўра, яқин вақтда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилган ҳолда республикамизнинг барча ҳудудларида туризм инфратузилмасининг замонавий объектларини, энг аввало, меҳмонхоналар, транспорт логистика тузилмалари, муҳандислик коммуникация объектлари барпо этилади.

Мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалиётга жорий этиш

миллий иқтисодиёт таркибида туризмнинг улушини сезиларли даражада оширишга, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, таркибий ўзгаришлар ва диверсификация қилишга, туризмни барча минтақалар ва туризм тармоқларини комплекс ривожлантиришнинг етакчи кучи сифатида мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғига айланишига, Ўзбекистонни дунёнинг жозибали туризм марказларидан бирига айлантиришга имкон беради.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида, туризмдек сердаромад соҳа ривожини эътибордан четда қолиб кетаётганлиги, унинг Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта заҳираларини тўлдириш бўйича аниқ чора – тадбирлар қўрилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди (Халқ сўзи, 2017 йил, 16 январь).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши (Халқ сўзи, 2017 йил, 17 август) Ўзбекистонда туризм соҳасида амалга оширилаётган изчил давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлиб, соҳани жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, юртимизга келадиган туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суришга қаратилган. Қарорга мувофиқ 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастур ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш, вазирлик ва идораларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, юртимизда

туризм соҳаси ривожига тўсқинлик қилаётган масалаларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Мувофиқлаштирувчи кенгаш, шунингдек, режалаштирилган чора тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида фаолият юритадиган туризмни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашлар ташкил этилди. Бу тузилмалар бошқаришнинг янги механизми сифатида амалиётда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири унинг туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қулай шарт – шароитлар яратишга қаратилганлигидир (узоқ муддатли (15 йилгача) имтиёзли кредитлар ажратиш, валюта, терминаллар ижроси, нақд пулларни инкассация қилишнинг мақбул йўналишлари ва бошқалар).

Ушбу қарор мамлакатимизда туризм соҳасининг, шу жумладан экотуризмнинг янада тез ривожланишига имкон беради, хорижлик туристлар оқими ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти субъектлари сонининг кўпайишига хизмат қилади.

Экотуризмни ривожлантиришнинг асосий мақсад ва йўналишларини бошқариш тизими шунга асосланадики, экотизимлар яхлитлиги ва мувозанати сақлаб қолингандагина фаолиятнинг фойдалилик даражаси максимал бўлишига эришиш мумкин.

Экотуризмнинг умумий туризм кўрсаткичларида эгаллаган салмоғи унинг ривожланиш даражасини белгилайдиган муҳим кўрсаткич бўлиб, бизнинг ҳисобларимизга кўра, унинг улуши тахминан 30 % ташкил этади. Шу муносабат билан асосий туризм йўналишларида (туризм, археологик-туризм, экстремал туризм, маънавий туризм, ҳаво йўллари туризм йўналишлари, қишки туризм, хусусий туризм ва бошқалар) экологик

туризмнинг ўрнини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 2005-2017 йиллардаги молиявий натижалари таҳлили олинаётган соф фойданинг 2006 йилдан бошлаб ўсиш тенденцияси мавжудлигини ва улар экотуризмга эътибор кучайганлиги билан боғлиқлигини кўрсатади (2.1.1 жадвал).

2.1.1- жадвал

Туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 2005-2017 йиллардаги молиявий натижалари (млн. сўм)¹³

Йиллар	Маҳсулот (товар, иш, хизматлар) сотишдан тушган соф тушум	Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизматлар) таннархи	Фойда солиғини тўлагунча қадар фойда (зарар(-))	Соф фойда (зарар(-))
2005	46459,4	33352,7	-1790,6	-2747,5
2006	66409,2	39638,0	1924,9	597,5
2007	94359,1	58721,3	1349,7	774,5
2008	138100,3	84860,5	11629,0	10468,3
2009	152436,7	89995,8	15127,8	13872,6
2010	195720,5	112403,2	24116,0	16307,0
2011	259797,4	138652,4	48295,7	38043,5
2012	342379,7	201478,7	42174,8	27481,0
2014	377779,2	223349,4	41736,7	26503,0
2016	423822,8	243876,2	47917,2	31252,3
2017	537788,5	304114,9	86917,5	61819,5

2.1.1-жадвалнинг соф фойда кўрсаткичлари бўйича муаллифнинг ҳисобларига кўра экотуризм ва рекреациянинг туризм умумий кўрсаткичларидаги улуши 30 %ни, яъни 18,5 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Демак, экотуризм соҳасида олинган соф фойда айниқса 2014-2015 йилларда сезиларли даражада - 2 марта ошганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Мамлакатимизда экотуризмнинг асосий табиий асоси ҳисобланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (МЭТХ) 2604,1 минг га майдон ёки мамлакат ҳудудининг 5,8 фоизини эгаллайди. Улар таркибига 8 та

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кўриқхона, 3 та миллий табиий боғ, 1 давлат биосфера резервати, 13 та давлат буюртмахоналари, 10 та давлат табиат ёдгорликтери киради (2.1.2-жадвал). МЭТХлардан экотуризм учун энг аҳамиятлиси миллий табиий боғлар, биосфера резерватлари, қисман буюртмахоналар ва табиат ёдгорликтери ҳисобланади.

2.1.2- жадвал

Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари (2017 йил маълумотлари)¹⁴

№	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар	Сони	Майдони минг га	МЭТХ лардаги улуши
1.	Давлат кўриқхоналари	8	201,7	7,7
2.	Давлат миллий боғлари	3	598,7	23,0
3.	Куйи Амударё давлат биосфера резервати	1	68,7	2,6
4.	Табиий питомниклар	1	158,9	6,1
5.	Давлат буюрмахоналари	13	1572,4	60,4
6.	Табиат ёдгорликтери	10	3,7	0,2
	Жами	36	2604,2	100,0

Ўзбекистонда экотуризм ва рекреацияни ривожлантиришни бошқариш нуқтаи назаридан МЭТХларни бошқаришнинг куйидаги икки хусусиятини ҳисобга олиш ва уларни такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш ҳар томонлама муҳим аҳамиятга эга: 1) МЭТХ лар турли давлат органлари - Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси, вилоятлар ҳокимияти томонидан бошқарилади. Бу ҳолат МЭТХ ларни бошқариш ва уларнинг экотуризм салоҳиятидан фойдаланишда қатор маъмурий бошқарув тўсиқларини, биринчи навбатда тарқоқликни юзага келтиради. Шу сабабдан МЭТХлар тизимини бошқаришда қулайлик яратиш мақсадида уларни муҳофаза қилиш ва ривожлантиришга маъсул ягона давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таркибида ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар асосли деб ҳисоблаймиз; 2) республиканинг МЭТХлар тўғрисидаги қонунларида уларга қисман ўзини - ўзи молиялаштиришга рухсат берилган. Бундай молиялаштириш экологик туризм ва рекреацияни ташкил этиш ва ривожлантириш, табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсат бериш ҳисобига олинadиган даромадлардан шаклланиши кўзда тутилган. Мазкур ҳолатлар МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришга жуда қулай шароит яратади. Лекин ҳозирги вақтда экотуризм ва МЭТХларни бошқариш тизими ўртасида уларнинг фаолиятини бошқаришни ўзаро мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаган. Фикримизча, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси иштирокида МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришни мувофиқлаштирувчи махсус комиссия тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Туризм фаолиятини аниқ мақсадни кўзлаб бошқариш учун туризмни иқтисодий баҳолаш ва шу асосда унинг самарадорлигини аниқлаш зарур, аммо бу бениҳоя мураккаб вазифадир. Мазкур масалалар Ўзбекистонда деярли махсус тадқиқ этилмаган. Шу сабабдан биз ушбу параграфда туризм самарадорлигининг алоҳида кўрсаткичларини баҳолаш усули, рентабеллик кўрсаткичи, инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичи, туризмдан тушадиган соф иқтисодий фойда кўрсаткичи кабиларни таҳлил қилиш бўйича фикр -мулоҳазаларимизни баён этамиз. Тадқиқот мақсадлари мамлакатимизда экотуризмнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда мавжуд ахборот-статистика базаси имкон берадиган даражада экотуризмдан олинadиган соф иқтисодий фойдани баҳолашда биз БТТ томонидан ишлаб чиқилган услубиятга асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи навбатда экотуризмнинг минтақа иқтисодий ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш хусусиятларига аниқлик киритиш лозим. Бунда, фикримизча, экотуризмнинг миллий иқтисодиётга бевосита таъсири экологик саёҳатлардан тушадиган маблағ орқали экологик туризм

корхоналарининг даромадларини бевосита шакллантиришни ифодалайди, унинг билвосита таъсири эса экотуризм билан турдош тармоқлар ва корхоналарда мультипликатор самараси шаклида намоён бўладиган кўшимча даромадлар асосида содир бўлади. Шунингдек экспертларнинг ҳисобларига кўра, ҳар 30 нафар сайёҳ мамлакат туризм соҳасида битта, унга турдош тизимларда иккита янги иш ўрнини яратишга туртки беради.

Экотуризмнинг иқтисодийга бевосита таъсири туристлардан тушадиган даромадлар ва экотуризмдан олинadиган солиқларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши кўрсаткичлари, билвосита таъсири эса мультипликатор самараси қиймати ёрдамида баҳоланади. Бу кўрсаткичлар давлатнинг экотуризм соҳасидаги сиёсатини асослаш, уни бошқаришнинг устувор йўналишларини танлаб олиш каби масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Экотуризм ва рекреациянинг бевосита таъсири давлат бюджети, тўлов баланси, ялпи ички маҳсулот ҳисоб-китобларида намоён бўлади. Билвосита самара эса кўпроқ минтақа миқёсида сезилади, бунда турдош тармоқлар иқтисодий айланмага жалб этилади, аҳолининг бандлигига иш вақтининг фаслларга қараб ўзгариб туриши воситасида таъсир қилади. Шу асосда кўплаб маҳаллий кичик корхоналар барпо этилади, уларнинг истеъмол бозорига таъсири эса ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг ошишида намоён бўлади. Лекин мазкур жараёнда мамлакат, минтақа ва маҳаллий миқёсларда амалга ошириладиган турли тартибга солиш чоралари кўпинча бир-бирига мос келмай қолади, улар ўзаро зид келиши ҳам мумкин. Булар экотуризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятига халақит беради, экотуризмни узоқ муддатли бошқариш манфаатларига мос келмайди.

Ҳар қандай мамлакатда экологик туризм ва рекреациядан олинadиган даромадларининг салмоғи мавжуд экологик ресурс салоҳияти ва имконияти, улардан фойдаланиш даражаси, иқтисодийнинг хизмат кўрсатиш соҳаси томон диверсификацияланиши ва туризм индустрияси ривожланишини

бошқариш механизми ва усуллари самарадорлигига, яъни иқтисодий тармоқлараро бошқариш хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Америкалик олима Элизабет Боо¹⁵ экотуризм даромади ҳажми бир хил бўлган бир мамлакатда унинг миллий даромаддаги улуши салмоқли бўлиши, бошқа бир мамлакатда эса мазкур улуш анча паст бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, Руанда ва Доминика мамлакатларида экосаёҳатчилар оқими унчалик катта бўлмаса ҳам, экотуризм уларнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди, Мексикада эса сезиларли аҳамият касб этмайди. Экологик саёҳатчилар оқими нисбатан кўп бўлмаган мамлакатларда айрим муниципал ва минтақалар иқтисодий ҳаётида экотуризмнинг салмоғи анча юқори бўлиши мумкин.

2.1.3-жадвал

Экотуризм ва рекреациянинг минтақалар иқтисодий ривожланишига таъсири¹⁶

Ижобий таъсир	Салбий таъсир
Экотуризм ва рекреация кўпгина ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ҳаётнинг ажралмас қисми, қатъий валютанинг энг муҳим манбаи ёки энг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади (Кения, Непал, Коста-Рика ва бошқалар)	Экотуризм – иқтисодий ҳаётнинг инқирозларга учраши эҳтимолига эга соҳасидир
Хорижий валюта оқимини кўпайтиради	Туризм яккатузилмалари “қабул қилувчи” мамлакатлар учун хатарлидир, чунки экотуризм талабнинг жуда кучли флуктуацияларига (ўзгаришларига) учраб туриши мумкин

Экотуризм МЭТҲларни қўллаб-қувватлаш орқали табиатни муҳофаза қилиш ишига муайян ҳисса қўшади. Масалан, сўнгги йилларда ривожланаётган мамлакатларда экотуризмни ташкил этиш ҳисобига тропикларда йилига 17 млн. гектар ердаги ўрмонларнинг кесиб олинишига

¹⁵Boo, E., 2003 Ecotourism Planning for Protected Areas. In: Ecotourism. A Guide for Planners and Managers. The Ecotourism Society, North Bennington, Vermont.

¹⁶Ceballos-Lascurain, 1996 и Steck et al., 1999 y.

чек қўйиш чоралари кўрилмоқда¹⁷. 2.1.3-жадвалда экотуризмнинг иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсири кўрсатилган.

Кўп мамлакатлар халқаро туризмдан катта манфаат кўришларига карамай, унга қарам бўлиб қолиш қалтис стратегия ҳисобланади, чунки экотуризм даромадларнинг барқарор манбаи эмас, у назорат қилиб бўлмайдиган турли ташқи омилларнинг салбий таъсирига учраши мумкин. Масалан, салбий сиёсий ўзгаришлар ёки табиий офатлар, валюталар қадрининг ўзгариши ёки тегишли режалаштириш йўқлиги келадиган экосаёҳатчилар оқимиغا катта салбий таъсир ўтказиши мумкин. Мамлакатда экотуризм иқтисодиётнинг нақадар катта улушини таъминлайдиган бўлса, ташқи омилларнинг таъсири ҳам шу қадар катта бўлади: иқтисодий муаммоларни бартараф этишда минтақалар ва мамлакатлар экотуризмдан тушадиган даромадларга тўла-тўқис умид боғламасликлари керак. Иқтисодиётни диверсификациялаш ва тегишлича турли тармоқларни ривожлантириш зарур, фақат шу асосда туризм, жумладан экотуризмнинг барқарор ривожини таъминлаш мумкин. Иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори ва самарали, тармоқ тузилмаси қанчалик кенг бўлса, улар туризм ривожига шунчалик катта замин яратади.

Минтақалар миқёсида, айниқса, экотуризм иқтисодиётнинг тузилма ҳосил қилувчи соҳасига айланган жойларда интеграция ва тармоқлараро ҳамкорлик жараёнларини, инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаш фондларини ташкил этишни, нотижорат ташкилотларининг экотуризм фаолиятини рағбатлантириш, бу ишларда ташкилий дам олишдан баҳраманд бўлишга етарли маблағи бўлмаган аҳоли гуруҳларининг даромадларини ошириш йўллари излаш лозим.

Яқин истиқболда, экотуризмнинг минтақа иқтисодиётига билвосита мультипликатив таъсир кўрсатиш самарасини оширишга имкон берувчи чекланган давлат бошқарувига ўтиш зарур, деб ўйлаймиз. Бунинг учун тармоқлараро, тармоқ ва минтақаларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўювчи

¹⁷ Jonsson, P., 2000. Handbook for Sustainable Tourism. West Sweden Tourist Board.

ва унинг самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи индикатив режалаш ва мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш каби воситалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон ҳудуди 448,97 минг кв. км, аҳолиси сони эса 32,2 миллион киши (2017 й.) бўлиб, биринчиси ғоят хилма-хил ва бой ландшафт, табиий экотизим ва ресурслар, катта рекреация салоҳияти, иккинчиси эса катта рекреация эҳтиёжларига ҳамда туризмда хизмат кўрсатиш учун кўплаб ишчи кучларига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимиз Марказий Осиёнинг ўрта қисмида Буюк ипак йўли орқали кўплаб мамлакатларнинг туризм маршрутлари туташган ғоят муҳим халқаро чорраҳада жойлашган. У иккита катта дарё - Амударё ва Сирдарё орқалигида, уларнинг сувлари келиб қўйиладиган Орол денгизи берк ҳавзасининг бир қисмини эгаллаб туради.

Глобал нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг ўзига хос географик ўрни дунё текисликларида экологик оптимум ҳисобланган 40-паралел (40⁰ шимолий кенглик) яқинида жойлашганлиги (мазкур паралел Самарқанд шаҳридан ўтади), тоғларда эса паст тоғ, ўрта тоғ, баланд тоғ зоналарининг алмашилиши билан белгиланади. Шунга мос ҳолда мамлакатимизда куруқ субтропик иқлим ҳукмрон бўлиб, йил фасллари нормал алмашинади, барча фаслларда уларга хос умумий қулай шароит мавжуд бўлиб, бу ҳолат кўплаб экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экотуризм хизмати кўрсатишни йил давомида узлуксиз ва жадал ривожлантириш имконини беради.

Ер юзаси тузилишига кўра Ўзбекистоннинг шимолий ғарбида унинг катта қисмини (70 % ини) асосан бепоён қурғоқ чўллар (сахро), қисман дарё водийлари ва тоғолдида жойлашган сермахсул водий ва воҳалардан таркиб топган суғориладиган антропоген текисликлар (10%), кичикроқ жануби-шарқий қисмини (20 % ини)тоғ зонаси эгаллайди. Текисликларда чўл экотизимлари, тоғларда баландлик зонал экотизимлари, қайир ўрмонлари экотизимлари (текислик ва тоғларда дарё ёқасидаги сув босадиган ўтлоқ ва ўрмон ерлар) кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг табиий экотизимлари ва ландшафтлари туристлар учун ғоят қизиқарли ва жозибадор юқори

даражадаги биологик ва ландшафт хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда ўсимликлар дунёси 4100 турдан ортиқ бўлиб, уларнинг 9 % эндемиклардир. Республика фаунаси 97 турдаги сутэмизувчи, 424 турдаги қуш, 58 турдаги рептилия ва 83 турдаги балиқларни ўз ичига олади. Уларнинг 8,8 % эндемиклардир. Республика “Қизил китоб”га 184 турдаги хайвон, 305 турдаги ўсимлик киритилган (2006 й.).

Мамлакатимизнинг 4/5 қисми (80%) турли даражада антропоген ўзгаришларга учраган табиий ландшафтлардан, 1/5 инсон томонидан кучли ўзгартирилган антропоген ландшафтлардан (хайдалган ерлар, аҳоли пунктлари, саноат корхоналари, инфратузилма объектлари ва б.) таркиб топган.

Мамлакат табиатининг экотуризмни ривожлантиришга асос бўладиган ноёб, диққатга сазовор объектлари қаторига кўплаб мавжуд ғорлар, ажойиб шаклли қоялар, даралар, ер қатламлари очилиб қолган жойлар, шаршаралар, шифобахш булоқлар, катта ёшдаги улкан дарахтлар, шунингдек гўзал, ранг-баранг, ҳаво ва суви мусаффо, табиати шифобахш ва нафосатли ландшафтлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоген муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра республика ҳудудида 17 мингдан ортиқ табиий сув оқимлари, 51 та сув омбори, 500 дан ортиқ кўл, кўплаб магистрал каналлар, 1448 та чучук сувли сув сарфи 1 л/секунд бўлган булоқ. 515 та тоғ музликлари мавжуд.

Мавжуд салоҳиятдан ҳозирги вақтда экотуризмда фойдаланиш даражаси талабга жавоб бермайди. Бунинг асосий сабаби объектлардан экотуризм йўналишида фойдаланишга қаратилган инвентаризация ҳамда тегишли тасниф ва баҳолашнинг амалга оширилмаганлиги билан боғлиқ. Шу сабабдан истиқболда объектларни инвентаризациялаш ва таснифлашни ҳамда табиий-биологик, психологик-эстетик, техник-технологик, экотуризм-иқтисодий-экологик баҳолашни амалга ошириш объектив заруратга айланмоқда.

Баҳолашнинг бу йўналишлари бошқариш фаолиятининг бир томондан,

табиат ва этномаданият ва этнографик компонентларининг бой ва хилма-хил экотуризм ресурслари салоҳиятини, бошқа томондан мамлакатимизнинг ўзига хос экотуризм салоҳиятга эга бўлган табиий-иқтисодий макрозоналар маконлари хусусиятларини ҳар томонлама тўла ҳисобга олишга асосланиши керак. Ўз навбатида компонентлар ва макрозоналар биргаликда ва ўзаро боғлиқликда Ўзбекистоннинг ягона экотуризм маконини ташкил этади. Улар турли йўналишдаги экотуризм ўчоқлари ва марказларини барпо этишга табиий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимизнинг табиат ва экомданият ва этнографик компонентларининг экотуризм ресурслари туристларни ўзига жалб этадиган жозибадор ва ғоят хилма-хил ҳамда бой экотуризм объектларидан таркиб топган. Улар қуйидаги асосий экотуризм ресурси турларига бўлинади: 1) геологик-геоморфологик (хилма-хил жонсиз табиат ёдгорликлари ва шакллари, ландшафт элементлари); 2) иқлим ва об-ҳаво (қулай иқлим, метеорологик элементларининг суткалик, ойлик, мавсумий ва йиллик ўзгаришлари, баландлик зоналиги, уларнинг экотуризмни ташкил этиш ва бошқаришга таъсири кўрсаткичлари ва б.); 3) гидрологик (дарё, кўл, сув омборлари, каналлар, булоқлар, шаршаралар, музликлар, ботқоқликлар, ер ости сувлари ва сув билан боғлиқ хилма-хил табиат объектлари); 4) биологик (ботаника ёдгорликлари, ўтлоқ, ўрмон, доривор ўсимлик, боғ ва токзор, тўқайлар, ҳайвонот олами, биохилма-хиллик, уларнинг экологик-эстетик ва рекреация хусусиятлари); 5) экомданият ва этнографик (қишлоқ ва шаҳарлар экомданияти, урф-одатлари, фольклор, миллий ҳунармандчилик ва б.).

Ўзбекистонда экотуризм ва рекреацияни ривожлантиришни бошқариш амалиётида ўзига хос экотуризм салоҳиятга эга ва ўзаро тубдан фарқ қиладиган, айти пайтда ўзаро боғлиқда экотуризм учун хилма-хил имкониятлар яратадиган қуйидаги тўртта экотуризм макрозоналари хусусиятларини алоҳида ва биргаликда ҳар томонлама тўла ҳисобга олиш жуда муҳим аҳамиятга эга: 1) Орол ва Оролбўйи экстремал чўл ва экологик

инқироз ва ҳалокат зонаси (Орол денгизининг қуриши оқибатлари, Оролқумнинг пайдо бўлиши, саксовул ўрмонларини барпо этиш ва б.); 2) чўллар (сахролар). Дунёнинг энг сермахсул “чўллар жаннати” ҳисобланган катта чўллари - Қизилқум, Қорақум, Устюртнинг қурғоқчил табиати, ландшафт ва био хилма-хиллиги (баҳор ойларида сахролар сарик, оқ, қизил, сиёхранг тусдаги гуллар билан қопланган яшил гиламга айланади, ёзда улар қуриб қолади, кузда яна жонланади, нафис манзара баҳорда яна такрор намоён бўлади), саксовул ўрмонлари, яйловлар, қудуқлар, тоғ-кон саноати объектлари; 3) дарё водийлари, тоғ олди ҳудудларида жойлашган суғориладиган антропоген текислик зонаси (қадимги цивилизация, юқори экологик сиғимга эга антропоген ландшафт, водий ва воҳалар, шаҳар ва қишлоқлар, замонавий иқтисодиёт, маданият ва б.); 4) тоғ зонаси (Ғарбий Тянь-шань ва Ҳисор-Олой тоғ тизмалари, тоғ табиати ва баландлик зоналари, тоғ аҳолиси маданияти ва хўжалиги, музликлар ва б.).

Шундай қилиб, экотуризм компонентлар ва макрозоналарнинг рекреация ресурслари ва инсон томонидан яратилган объектлари мамлакатимизнинг турли минтақаларида экотуризм бизнесининг турли йўналишлари шаклланишининг кўп жиҳатларини белгилаб беради.

2.2. Ҳудудда туристик-рекреация хизматлари ривожланишининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш

Хоразм вилояти каби дотацион чекка ҳудуд учун туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиб соҳани тизимли ривожлантириш вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устувор йўналишларидан саналади. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, ҳудуд иқтисодиётининг, хусусан, туризм соҳасининг инвестицион салоҳияти даражасини ошириш учун вилоятнинг инвестицион иқлимини яхшилаш соҳадаги энг муҳим асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотларга кўра, инвесторларни жалб қилувчи ёки кетиб қолишига таъсир этувчи сиёсий, ижтимоий-маданий, ижтимоий-иқтисодий, молиявий,

ташкилий-хукукий ва географик омилларнинг йиғиндиси инвестицион иқлим дейилади. Шу сабабли, ҳудудларни инвестицион иқлими бўйича саралаш хорижий ва миллий инвесторлар учун муайян ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигининг барометри саналади.

Хоразм вилоятидаги инвестицион ҳолатни баҳолашда инвестицион иқлимни инвестицион таваккалчилик ва инвестицион салоҳият каби кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Инвестицион таваккачиликнинг ҳажми инвестициялар ва улардан олинадиган даромадни йўқотиш эҳтимоллигини ифодалайди.

Ҳудуднинг *инвестицион салоҳияти* - бу минтақада ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларига йўналтириладиган давлат, нодавлат бизнес тузилмалари молиявий маблағларининг мумкин бўлган барча шакллари йиғиндисидир¹⁸.

Ҳудуднинг инвестиция салоҳияти инвестицион жараёнлар учун ўта муҳим аҳамият касб этади, яъни туристик хизматлар соҳасига ёки умуман ушбу туристик мажмуага инвестицияларни йўналтириш, туризм соҳасининг инвестицион фаоллигини ошириш учун қўйиладиган инвестиция маблағларидан қайтадиган самарани, талаб қилинадиган инвестициялар ҳажми ва манбаларини, молиялаштириш усулларини аниқлаш зарур.

Ҳудуднинг инвестиция салоҳияти асосан макроиқтисодий тавсияга эга ва улар асосан ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги, аҳолининг истеъмол талаби ва бошқа кўрсаткичларни қамраб олади. Республикамиз кўрсаткичи 100 га тенг деб олиниб, унга нисбатан Хоразм вилоятининг улуши ҳисобланади. Ҳудуднинг ялпи инвестиция салоҳияти эса 8 та хусусий кўрсаткичларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади ҳамда ўз навбатида бир қатор кўрсаткичлар гуруҳи билан тавсифланади. Ҳар бир ҳудуднинг ўрни унинг умумреспублика кўрсаткичидаги 14 та ҳудудлар салоҳиятларидаги улуши билан ифодаланади.

¹⁸ Инвестиционное проектирование: практическое руководство по экономическому обоснованию инвестиционных проектов /Под ред. С. И. Шумилина. - М.: АО "Финстатинформ", 1995. С. 240.

Хоразм вилояти ҳам миллий ва ҳам хорижий инвесторлар учун кам жозибали бўлган. Сабаби вилоятнинг марказдан узоқда жойлашганлиги, транспорт-коммуникацияларининг, меҳмонхона ва туризм хўжалигининг, сервиснинг яхши ривожланмаганлиги, маълум маънода иқлимнинг кескин континенталлиги, хизматлар соҳасининг, саноатнинг паст ривожланиш даражаси, асосан аграр соҳага ихтисослашганлик, экологик жиҳатдан унчалик қулай эмаслиги каби омиллар кўп йиллар давомида инвестицион иқлимга салбий таъсир қилиб келди. Инвестицион иқлим эса, инвестицион салоҳиятнинг камлиги ва таваккалчиликларнинг юқорилиги билан ифодаланади.

Хоразм вилояти ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республикада 12 ўринда, жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича 11-ўринда, ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши бўйича 10-ўринда, инвестицияларнинг умумий ҳажмидаги улуши бўйича 12-ўринда, туризм соҳасида бандлар-нинг сони бўйича 5-ўринда, туристик ташкилотларнинг сони бўйича 5-ўринда, хорижий туристларнинг оқими сони бўйича 5-ўринда туради¹⁹.

Кейинги 2016-2019 йилларда Ўзбекистоннинг барча минтақаларидаги каби кўрилган қатор чора-тадбирларга асосан Хоразм вилоятида ҳам инвестицион иқлим, айниқса, туризм соҳасидаги инвестицион салоҳият яхши томонга ўзгариб бормоқда (2.2.1-2.2.2-жадвалларга қаранг).

2.2.1 - жадвалдан кўринадики, 2018 йилда ўзлаштирилган туризм соҳасига йўналтирилган инвестициялар асосан транспорт инфратузилмаси (11 та лойиҳа), меҳмонхоналар ташкил қилиш (17 та лойиҳа), оилавий уй меҳмонхоналари (10 та лойиҳа) ҳамда гасрономик туризм йўналишида (3 та лойиҳа) амалга оширилган.

¹⁹ stat.uz

2.2.1-жадвал

Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2018 йилда амалга оширилган лойиҳалар доирасида ўзлаштирилган инвестициялар тўғрисида тармоқлар кесимида маълумот²⁰, (млн.сўмда)

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа сони	Лойиҳа қиймати	Шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича			Яратилган янги иш ўрни
				ўз маблағлари	банк кредитлари	хорижий инвестициялари (минг доллар)	
Вилоят бўйича жами 8 та йўналиш		41	167374,1	92 390,1	74 984,0	-	555
1	Транспорт инфратузилма соҳасини ривожлантириш	11	7711,1	3 483,1	4 228,0	-	43
2	Экотуризм соҳасини ривожлантириш бўйича	0	-	-	-	-	0
3	Агротуризм объектлари ташкил этиш бўйича	0	-	-	-	-	0
4	Меҳмонхоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича	17	148800,0	81 880,0	66 920,0	-	442
5	Хунармандчилик марказлари ва савдо шохобчалари ташкил этиш бўйича	0	-	-	-	-	0
6	Оилавий уй меҳмонхоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича	10	493,0	477,0	16,0	-	29
7	Гастрономик туризм йўналишини ривожлантириш	3	10370,0	6 550,0	3 820,0	-	41
8	Туризм соҳасини ривожлантирадиган бошқа лойиҳалар амалга ошириш бўйича	0	-	-	-	-	0

Худди шунингдек, ўзлаштирилган инвестицияларнинг туман ва шаҳарлар кесимидаги таҳлилига кўра, жами 41 та лойиҳанинг 28 таси ёки 68 фоизи Хива шаҳри улушига, 8 таси ёки қарийб 20 фоизи Урганч шаҳрига, 2 таси ёки

²⁰ Хоразм вилояти туризм департаменти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

5 фоизи Урганч тумани улушига ҳамда 1 тадан Боғот, Хонқа ва Хива туманларига, яъни жами 7 фоизи тўғри келган (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал.

Хоразм вилояти ҳудудлари кесимида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2018 йилда амалга оширилган лойиҳалар доирасида ўзлаштирилган инвестициялар (млн.сўмда)

№	Шаҳар ва туманлар номи	Лойиҳалар сони	Лойиҳа қиймати	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича			Яратилган янги иш ўрни
				ўз маблағлари	банк кредитлари	хорижий инвестициялар	
Жами		41	167374,1	92 390,1	74 984,0	-	555
1	Урганч ш.	8	68 891,5	30 241,5	38 650,0	-	165
2	Боғот т.	1	6 000,0	1 000,0	5 000,0	-	20
3	Гурлан т.	0	-	-	-	-	0
4	Урганч т.	2	2 885,6	2 885,6	-	-	18
5	Қўшқўпир т.	0	-	-	-	-	0
6	Ҳазорасп т.	0	-	-	-	-	0
7	Хонқа т.	1	816,0	-	816,0	-	7
8	Хива ш.	28	82 181,0	55 163,0	27 018,0	-	315
9	Хива т.	1	6 600,0	3 100,0	3 500,0	-	30
10	Шовот т.	0	-	-	-	-	0
11	Янгиариқ т.	0	-	-	-	-	0
12	Янгибозор т.	0	-	-	-	-	0

Худди шунингдек, ўзлаштирилган инвестицияларнинг туман ва шаҳарлар кесимидаги таҳлилига кўра, жами 41 та лойиҳанинг 28 таси ёки 68 фоизи Хива шаҳри улушига, 8 таси ёки қарийб 20 фоизи Урганч шаҳрига, 2 таси ёки 5 фоизи Урганч тумани улушига ҳамда 1 тадан Боғот, Хонқа ва Хива туманларига, яъни жами 7 фоизи тўғри келган (2.2.2-жадвал).

Таъкидлаш жоизки, туризм соҳасига инвестициялар жалб қилиш ва соҳадаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда хорижий молия институтлари, хорижий тадбиркор-инвесторлар билан бир қаторда тижорат банкларининг ҳам роли ниҳоятда катта бўлиб, бу албатта кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан хизматлар соҳасига, хусусан, туризм соҳасига муҳим эътибор қаратилаётганлиги билан бевосита боғлиқ. Қуйидаги 2.2.3 - жадвалда тижорат банклари томонидан 2018 йилда Хоразм вилоятидаги туризм лойиҳаларига ажратилган кредитлари динамикаси келтирилган.

2.2.3-жадвал

Хоразм вилоятида тижорат банклари кесимида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2018 йилда амалга оширилган лойиҳалар доирасида ўзлаштирилган инвестициялар²¹ (млн.сўмда)

№	Тижорат банклари	Лойи - халар сони	Лойиҳа қий-мати	Шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича			Ярати л-ган янги иш ўрни
				ўз маблағ-лари	банк кредит-лари	хорижий инвестици-я-лар	
Жами		41	167374,1	92 390,1	74 984,0	-	555
1	Савдогар банк	0	-	-	-	-	0
2	Агро банк	1	15 000,0	5 000,0	10 000,0	-	35
3	Микрокредит банк	5	10 181,0	5 165,0	5 016,0	-	39
4	Қишлоқ Қурилиш банк	7	7 423,0	2 107,0	5 316,0	-	58
5	Асака банк	2	29 936,0	14 734,0	15 202,0	-	40
6	Ипотека банк	1	18 000,0	4 500,0	13 500,0	-	40
7	Халқ банк	3	14 220,0	2 520,0	11 700,0	-	62
8	Ўзсаноат қурилиш банк	1	885,6	885,6	-	-	3
9	Миллий банк	18	58 887,0	47 337,0	11 550,0	-	215
10	Турон банк	0	-	-	-	-	0
11	Хамкор банк	0	-	-	-	-	0
12	Капитал банк	1	10 000,0	8 000,0	2 000,0	-	50
13	Алоқа банк	1	2 370,0	2 000,0	370,0	-	11
14	Инфин банк	1	471,5	141,5	330,0	-	2

Таъкидлаш жоизки, туризм соҳасига инвестициялар жалб қилиш ва соҳадаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда хорижий молия институтлари, хорижий тадбиркор-инвесторлар билан бир қаторда тижорат банкларининг ҳам роли ниҳоятда катта бўлиб, бу албатта кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан хизматлар соҳасига, хусусан, туризм соҳасига муҳим эътибор қаратилаётганлиги билан бевосита боғлиқ.

2.3. Хоразм вилоятида туристик-рекреация хизматларини ривожлантириш омиллари

Хоразм вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш,

²¹ Хоразм вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти ва марказий банк вилоят бошқармаси маълумот-лари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

вилоятимизга хорижий ва маҳаллий туристларни янада кўпроқ жалб қилиш, туризм соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўламини янада ошириш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Биз Хоразм вилоятида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш бўйича амалга оширган тадқиқотларимиз давомида ўтказган таҳлилларимизни ўнга яқин йўналишлар бўйича амалга оширдик.

Вилоят Туризмни ривожлантириш департаменти ва бошқа идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда туризм соҳасида олиб борилган ишлар натижасида 2018 йил давомида вилоятда жами 13 та жойлаштириш воситалари фойдаланишга топширилишига эришилди ва қўшимча 80 та хоналар сони ҳамда 201 та ўринлар сони яратилди. Айнан ушбу мақсадларда 51 млрд.сўмдан ортиқ инвестициялар ўзлаштирилди.

Бунинг натижасида ҳозирги кунда вилоятда фаолият юритаётган жами жойлаштириш воситалари сони жами 69 тага этиб, улардаги хоналар сони 1 356 тани ва ўринлар сони 2 646 тани ташкил қилмоқда.

2019-2020 йиллар давомида Хоразм вилоятида 2 546 хона ва 4 837 ўриндан иборат бўлган, жами 59 та жойлаштириш воситалари хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан курилиб фойдаланишга топширилиши ва натижада жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони 2,9 бараварга, яъни 1 356 тадан 3 902 тагача, ўринлар сони эса 2,8 бараварга яъни, 2 646 тадан 7 483 тагача ортади.

2018 йилда вилоятда жами 12 та янги туроператорлар фаолиятлари йўлга қўйилиб, фаолият юритаётган жами туристик ташкилотлари сони жами 34 тани ташкил қилди. Шунингдек, 2019 йил давомида ушбу кўрсаткични 177 фоизга яъни, 34 тадан 60 тага ортиши режалаштирилган.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида замонавий туристик синфга мансуб жами 34 та автотранспорт воситалари, хусусан, 9 та автобус, 19 та микроавтобус ва 6 та электромобиллар мавжуд. 2019 йил давомида транспорт ва логистика инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида жами 30 та

туристик тоифадаги замонавий автобуслар сотиб олиниши натижасида вилоятдаги мавжуд туристик тоифадаги замонавий автобуслар сони 185 фоизга яъни, 34 тадан 64 тага этади.

Шунингдек, ҳозирги кунда вилоятда 103 та гид-экскурсоводлар тегишли сертификатлар олиб туристларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кейинги йилларда вилоятимизга ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар сони ва географияси ҳам кенгайиб бормоқда (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал

2013-2018 йилларда Хоразм вилоятига ташриф буюрган хорижий ва маҳаллий туристлар сони²²

№	Йиллар	Ташриф буюрган туристларнинг умумий сони	Жами хорижий туристлар сони	Маҳаллий туристлар (ички туризм) сони	Европа қитъасидан	Осиё ва шарқий осиё мамлакатларидан	МДХ давлатларидан	Америка қитъасидан	Африка қитъасидан
1	2013 йил	73300	53300	20000	41980	7510	1731	1875	204
2	2014 йил	67700	46200	21500	35102	7496	1942	1552	128
3	2015 йил	61625	40825	22800	28094	7936	2669	1978	148
4	2016 йил	75800	46600	29200	32314	9408	3049	1658	171
5	2017 йил	99286	60660	38626	44067	15007	4868	2440	278
6	2018 йил	1653665	123210	1530455	62604	15790	5315	4228	241
Жами		2031376	370795	1662581	244161	63147	19574	13731	1170

Жадвалга кўра, 2018 йил давомида жами 136 та мамлакатдан 1 653 665 нафар туристлар ташриф буюриб, шундан 123 210 нафар хорижий туристлар ва 1 530 455 нафар маҳаллий туристлар ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (1 160 700 нафар, шундан 60 700 нафар хорижий туристлар, 1 100 000 нафар маҳаллий) хорижлик туристлар 203 фоизга, яъни 62 510

²² Хоразм вилояти туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

нафарга ошишига эришилди. Хоразм вилоятига хорижлик туристлар оқимининг кўпайишида халқаро авиақатновлар сонининг ортиши сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлилларимизга кўра, агар маҳаллий туристларимизнинг Хоразм вилоятига ташрифларининг асосий мақсадлари ва мотивлари зиёрат, маданий-тарихий ва тарихий туризм бўлса, эвропа қитъасидан ташриф буюрадиган Буюк ипак йўлини ўрганиш, археологик туризм, Осиё ва Шарқий Осиё мамлакатларидан келадиган туристлар зиёрат, тарихий, экотуризм, МДХ давлатлари туристлари маданий-маърифий, гастрономик, экологик туризм йўналишида, Америка ва Африка қитъаларидан эса маданий-маърифий, экологик, зиёрат туризми бўйича ташриф буюришлари аниқланди.

Вилоятимизга 2017 йилда Урганч халқаро аэропорти орқали жами 1 506 та рейс амалга оширилган бўлиб (*шундан 1 080 та маҳаллий, 426 та хорижий*), улар орқали 23 352 нафар хорижий туристлар ташриф буюрган бўлса, 2018 йилда эса жами 1 395 та (*шундан 850 та маҳаллий, 545 та хорижий*) рейс орқали 31 701 нафар хорижий туристлар ташриф буюрди. Хусусан, 2019 йил давомида кўшимча “Франкфурт-Урганч-Ташкент”, “Истанбул-Урганч-Ташкент”, “Фуцзянь-Урганч-Ташкент” “Деҳли-Урганч-Ташкент” ва “Волгоград-Урганч-Ташкент” ва бошқа йирик шаҳарлардан авиақатновларни йўлга қўйиш ва бу орқали вилоятимизга ташриф буюраётган хорижий туристлар сонини 2,7 бараварга ошириш кутилмоқда.

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, вилоятга хориждан ташриф буюраётган туристлар сонини янада ошириш ва вилоятнинг туризм соҳасига чет эл инвестицияларини янада кенг жалб қилиш мақсадида вилоят туризм соҳаси вакиллари дунёнинг бир қанча хорижий мамлакатларига ўзларининг хизмат сафарлари билан ташриф буюрдилар. Жумладан, 2018 йил 17-21 январь кунлари Испания Қироллиги пойтахти Мадрид шаҳрига “ФИТУР 2018” Халқаро туристик ярмаркасида иштирок этиш, 7-11 март кунлари Германия Федератив Республикаси

пойтахти Берлин шаҳрига “ИТБ” туристик ярмаркасида иштирок этиш, 13-17 июль кунлари Қозоғистон Республикасининг Манғистау вилоятига туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва ушбу йўналишда инвестицияларни жалб қилиш, 25-июль куни Туркменистон Республикасининг Дашагуз вилоятига “Нилуфар Солиҳа” маҳаллий туристик ташкилоти вакилларининг вилоят туристик салоҳиятини намойиш этиш ва тақдимотлар ўтказиш, 15-август куни Туркменистон Республикасининг Дашагуз вилоятига туристик ташкилотлар вакиллари, хунарманд ва тадбиркорлар ва вилояти ҳокимлиги вакилларининг туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, 21-24 август кунлари ХХРнинг Фуцзянь провинциясига туризм йўналишида ҳамкорликни йўлга қўйиш, вилоятнинг туристик салоҳиятини тарғибот ва ташвиқот қилиш, 8-12 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Москва шаҳри, ҳамда Волгоград ва Астрахан областларига Россия Федерациясидан кўпроқ туристларни вилоятимизга таклиф қилиш ва туристик инфраструктураларга россиялик инвесторларни жалб қилиш мақсадида хизмат сафарлари амалга оширилди.

Вилоятни туристик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида 2018 йилда АҚШнинг “Смитхсоаниан Институтион” ташкилоти экспертлари, Жанубий Корея, Испания қироллиги энергетика ва туризм вазирлиги туризм соҳаси экспертлари, Ҳиндистон Республикасининг “Сундай Индиан” нашриёти вакиллари, ХХР “Ипак Йўли Фонди” вакиллари, Қирғизистон Республикаси оммавий ахборот вакиллари, Австриянинг “Сосиетй” журнали вакиллари, Россия Федерациясининг “Know How Медиа” интернет саҳифаси мухбирлари, халқаро аэроавтика федерацияси вакиллари, Буюк Британиянинг “ИТБ” тижорат телеканал, Россия Федерациясининг “Россия-Культура” телевиденияси, ХХРнинг “ССТВ-6” телеканалли “Ворлд Филм Репорт” кўрсатувининг ижодий гуруҳи, АҚШнинг “Тхе Нью Ёрк Тимес Жоурнейс” делегацияси вакиллари, Польша Республикасининг 11 та туристик ташкилоти ва 2 та блогерлари, Германиянинг “Глобалис эрлебнисреисен” туристик ташкилоти вакиллари,

10дан ортиқ давлатларнинг фавкулотда ва мухтор элчилари ташрифлари амалга оширилди²³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февраль куни “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 10 мингдан ошiq туристларни Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган “Султон Увайс бобо”, “Миздакхон” зиёратгоҳлари, “Савицкий” музейи ҳамда “Аёз қалъа”, “Ёнбош қалъа”, “Тупроқ қалъа” каби туристик ҳудудларга саёҳатлари ташкил қилиш графиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган бўлиб, жорий йилнинг 12 ойлиги ҳолатида ўзида 11,3 мингдан ортиқ вилоят аҳолисини саёҳатлари ташкил қилинди.

2018 йилда 12 та маданий-кўнгилочар ва очик майдон томоша ва тадбирлари, жумладан, 2018 йил 20-30 апрель кунлари Хоразм вилояти Урганч шаҳрида “Оғир атлетика бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати” , 29-июль-1 август кунлари паҳлавон ва шоир сифатида ўз даврида донг қозонган, халқ томонидан “Пирёрвали” дея эъзозланадиган Паҳлавон Маҳмуд сиймосини дунё миқёсида кенг тарғиб қилиш ва улуғлаш мақсадида, Президентимиз ташаббуси билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июндаги 498-ф-сонли фармойишига асосан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган 1 Халқаро турнир” ўтказилади. Халқаро турнирда 20 дан ортиқ давлатлардан келган 100 дан ортиқ спортчи ва мураббийлар иштирок қилишади ва мусобақалар Хива шаҳридаги “Ичан-Қалъа” мажмуасида жойлашган “Кўхна Арк” майдонида бўлиб ўтди.

Шунингдек, 12 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2953 сонли қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги қарорининг 33-бандига мувофиқ Хоразм вилояти Хива шаҳри «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси Кўхна

²³ Хоразм вилояти туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари

Арк майдони олдида “Гурвак - Хоразм қовунчилик рамзи” номли катта савдо кўрғазмаси, 14-15-16 сентябрь кунлари Хива шаҳрида “Рақс сеҳри” халқаро анъанавий фестивали бўлиб ўтди ва унда Италия, Япония, Иран, АҚШ, Канада, Индия, Индонезия, Қувайт, Израиль, Германия, Бангладеш, Чехия давлатларидан ва бошқа давлатлардан меҳмонлар ташриф буюришди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Бухоро, Самарканд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 939-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Хавфсиз туризм Концепциясини амалга ошириш мақсадида 2017 йил 31 декабрдаги “2017-2018 йилларда Хива шаҳрида ҳавфсиз туризм Концепциясини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича “Йўл харита”си тасдиқланган бўлиб, асосий туристик объектларда видео кузатув камералари ва бошқа техника воситалари ўрнатилди.

III-BOB. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА РЕКРЕАЦИЯ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Хоразм вилоятида КБХТ ривожланиши ва унда туризм-рекреация фаолияти самарадорлигини баҳолаш

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг кўпгина минтақалари каби туризмни ривожлантириш бўйича етарли даражада салоҳиятга эга бўлиб, бугунги кунда вилоятда туризмни ривожлантириш асосий макроиқтисодий муаммолар ҳисобланган ишсизликни бартараф этиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишдаги истиқболли йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

Вилоятнинг мавжуд туристик ресурслари маданий, зиёрат, ишбилармонлик, спорт, илмий, агро, соғломлаштирувчи, экотуризмни ривожлантиришни кўзда тутди ва нафақат минтақа балки мамлакат миқёсида туризм салоҳиятини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида туризм хизматларининг вилоят ЯҲМдаги улуши ҳам ошиши таъминланган. Хусусан 2000 йилларда туристик хизматларнинг вилоят ЯҲМдаги улуши 1 фоизга ҳам етмаган бўлса, 2015 йилга келиб 2,6 фоизни, 2018 йилга келиб эса 7,6 фоизни ташкил этган. Шундан 2015 йилда хорижий туристларга кўрсатилган хизматларнинг вилоят ЯҲМдаги улуши 1,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 4,5 фоизни ташкил қилган. Ўз навбатида маҳаллий туристларга кўрсатилган хизматларнинг ЯҲМдаги улуши 2015 йилда 0,8 фоиздан 2018 йилга келиб 3,1 фоизга оширилган.

Келтирилган натижаларга эришиш ҳамда туристик хизматлар зонаси ёки муайян ҳудудда туризм барқарор ривожланишини таъминлашда унга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таъсир даражаларини аниқлаш лозим бўлади. Илмий тадқиқот ишларида мазкур омилларни турли хил таснифлари кузатилади, уларни ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда омилларни

шартли равишда 5 гуруҳга ажратишни таклиф қиламиз, булар: *табиий, бозор, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий*.

3.1.1-жадвал

Туризм ва рекреацияни ривожланишига таъсир қилувчи омиллар таснифи²⁴

Табиий омиллар	<ul style="list-style-type: none"> - ҳаво, тупроқ, флора ва фаунани ўз ичига олувчи табиий ресурслар; - ҳудуднинг рельефи; - ички сувлар; - иқлими; - табиий хавфлар; - ҳудуднинг ташқи кўриниши ва визуал манзаралари; - дам олиш ва ҳордиқ чиқариш имкониятлари.
Бозор омиллари	<ul style="list-style-type: none"> - ҳудудга саёҳат қилишнинг қулайлиги (<i>арзон ёки қимматлиги</i>); - асосий ва иккиламчи бозорларнинг ўлчами ва жойлашуви; - аҳоли сони, ёши, жинси, даромад даражаси, ўсиш динамикаси, қариш даражаси; - меҳмонхоналари сифими; - мавсум давомийлиги; - инфратузилма қиймати ва қулайлиги; - иншоотлар қиймати; - туринафратузилмадан фойдаланиш самарадорлиги; - даромад манбалари ва нарх сиёсати; - инсон ресурслари.
Сиёсий омиллар	<ul style="list-style-type: none"> - ҳудуднинг тинчлиги ва осойишталиги; - ҳудуд сарҳадлари билан чегарадош давлатлардаги сиёсий ҳолат ва барқарорлиги; - саёҳат қилинадиган мамлакатнинг сиёсий барқарорлиги; - мамлакатнинг қўшни давлатлар билан ўзаро сиёсий муносабатлари ҳолати; - этник низоларнинг камлиги; - трансчегаравий қарама-қаршиликларнинг озлиги ва ҳ.к.
Ижтимоий омиллар	<ul style="list-style-type: none"> - туризмнинг маҳаллий аҳоли томонидан қабул қилиниши; - ҳудуддаги туризм фалсафаси, маҳаллий аҳолининг туристларга ҳайрихоҳлиги, меҳмондўстлиги; - жамият ва давлат томонидан туризм соҳасига муносабат; - диний бағрикенглик; - мавжуд меърий-ҳуқуқий қонунчиликнинг ҳолати ва ҳ.к.
Иқтисодий омиллар	<ul style="list-style-type: none"> - ҳудудда туризм бўйича солиқ ва фискал сиёсат; - туристик корхоналарни кредитлаш ва молиялаштириш имкониятлари; - бозор конъюнктураси; - ЯХМ ва унда туризм соҳаси улушининг устуворлиги; - миллий валютанинг барқарорлиги; - ишсизлик даражаси; - инфляция даражаси ва ҳ.к.

²⁴ Муаллиф ишланмаси

Туристтик зонани ташкил қилишда табиий омилларни инобатга олиш жараёни ўз ичига ҳудудни, экологлар, архитекторлар томонидан ташкил қилиниши режалаштирилаётган зонани геоахборат тизими асосида аэрофото-суратлари, тарихий-маданий обидаларнинг топографик карталари, уч ўлчамли компьютер моделлари, аналитик технологик режалаштириш ёрдамида ташқи тузилиш тавсифларини ўрганишни қамраб олади.

Бундан ташқари, соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган олимлар ишларида туризм ривожланишига таъсир қилувчи омилларнинг қуйидагича таснифланиши ҳам кузатилади²⁵:

- табиий-географик;
- маданий-тарихий;
- демографик;
- сиёсий-ҳуқуқий;
- технологик;
- экологик;
- мавсумий.

Юқорида келтирилган омилларнинг таъсир даражаси ҳамда ҳудуднинг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда республикамизнинг барча минтақаларида бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам туризм соҳасини янада ривожлантириш, вилоятимизга хорижий ва маҳаллий туристларни янада кўпроқ жалб қилиш, туризм соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўламини янада ошириш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хоразм вилояти мамлакатдаги асосий туристик масканлардан бири сифатида қаралиб келинишини инобатга олган ҳолда вилоят туризм салоҳиятининг қиёсий таҳлилига тўхталиб ўтамиз. Бунда асосий эътибор мамлакатнинг туризм салоҳияти ва унинг асосий кўрсаткичларини шакллантириш-

²⁵ <https://novainfo.ru/article/11451>

да вилоятнинг ўрни ва ролига қаратилган бўлиб, у улуш сифатида келтириб ўтилган (3.1.2-жадвал).

3.1.2-жадвал

Туризм салоҳиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни шакллантиришда вилоятнинг ўрни²⁶ (2017 йил ҳолатига)

	Фаолият турлари бўйича туристик фирма ва ташкилотлар сони		Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони	Санатория -курорт муассасалари объектлари сони	Дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар объектлари сони
	Туроператорлар	Турагентлар			
Ўзбекистон республикаси	561	80	816	193	298
Хоразм вилояти	6	2	53	4	14
Вилоят улуши (%)	1,6	2,5	6,5	2,1	4,7

Туристик фирма ва ташкилотларнинг фаолият турлари бўйича 2017 йил маълумотлари асосида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра республикада туроператорлар жами 561 тани, жами турагентлар эса 80 тани ташкил қилади. Мазкур кўрсаткичлар вилоятда мос равишда 6 ва 2 тани ташкил қилиб, жамига нисбатан 1,6 ва 2,5 фоизни ташкил қилади ва бу вилоятнинг туристик салоҳиятини инобатга олганда анча паст эканлигини кўриш мумкин.

Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони бўйича вилоят таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар ичида энг юқори улушга эга бўлиб 6,5 фоизни ташкил қилади. Санатория-курорт муассасалари ҳамда дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар объектлари сони бўйича вилоятнинг улуши мос равишда 2,1 ва 4,7 фоизни ташкил қилади. Таҳлил натижаларидан кўринишича вилоятда туроператор ва турагентлар сони ва улуши анча паст бўлиб, бу вилоятнинг туристик салоҳиятидан етарли ва тўлиқ фойдаланиш имкониятини пасайтирмакда.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

асосий эътибор тарихий ва маданий туризмни ривожлантиришга қаратилмоқда. Бу эса тарихий обидалар ва қадамжоларни бўлиши ҳамда турли маданий тадбирларни ташкиллаштириш билан боғлиқ ҳисобланади. Бунда маданий хордиқ чиқариш муассасаларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш даражаси асосий кўрсаткич сифатида қаралади.

Хоразм вилоятида маданий ва хордиқ чиқариш фаолият турлари ва улардан фойдаланиш бўйича амалга оширилган таҳлил натижаларини кўрсатишича вилоятда мавжуд театрлар сони республикадаги жами театрлар сонига нисбатан улуши 4 фоизни ташкил қилади. Бироқ спектакллар ҳамда томошабинлар сони бўйича улуш мос равишда 6,0 ва 6,1 фоизни ташкил қилиши вилоятда театрлардан фойдаланиш даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан самарали эканлигини кўрсатади (3.1.3-жадвал).

3.1.3-жадвал

Маданий ва хордиқ чиқариш бўйича фаолият турлари ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари²⁷ (2017 йил ҳолатига)

Фаолият турлари	Фаолият кўрсаткичлари	Бирлиги	Ўзбекистон Республикаси	Хоразм вилояти	Улуши
Театрлар фаолияти	Сони	дона	50	2	4,0
	Спектакллар сони	дона	10815	653	6,0
	Томошабинлар сони	минг киши	2462,1	150,2	6,1
Музейлар фаолияти	Сони	дона	121	3	2,5
	Экспонатлар сони	дона	2116,5	39,3	1,9
	Ташрифлар сони	минг киши	6302,1	927,1	14,7
Концерт ташкилотлари фаолияти	Сони	дона	67	1	1,5
	Тақдим этилган Концертлар сони	дона	2505	149	5,9
	Томошабинлар сони	минг киши	1381,7	43,6	3,2
Маданият ва истироҳат боғлари фаолияти	Сони	дона	189	14	7,4
	Дам олиш объектлари	дона	536	22	4,1
	Аттракционлар	минг киши	1560	39	2,5

Музейлар сони нуқтаи назаридан қараганда вилоят улуши 2,5 фоизни, улардаги экспонатлар сони бўйича 1,9 фоизни ташкил қилади. Бироқ ташриф

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

буюрувчилар сони бўйича вилоят анча юқори кўрсаткичга яъни 14,7 фоиз улушга эга бўлиб, ушбу натижани таъминлашда “Очиқ осмон остидаги” музей номини олган Хива “Ичан қалъа” музей кўриқхонаси алоҳида аҳамият касб этади. Маданий туризм ривожига таъсир қилувчи асосий фаолият турларидан бири бўлган концерт ташкилотлари фаолиятига тўхталадиган бўлсак, мавжуд концерт ташкилотлари сони бўйича вилоят улуши 1,5 фоизни ташкил қилгани ҳолда тақдим этилган концертлар сони бўйича 5,9 фоизни ташкил қилади ва ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлиги юқорилигини кўрсатади. Бироқ томошабинлар сони бўйича улушни концертлар сонига нисбатан камлиги соҳа фаолиятини янада ривожлантириш имкониятлари мавжудлигини асослайди.

Туристлик оқим ҳамда туристларнинг ўртача қолиш кунлари сонини оширишда маданият ва истироҳат боғларининг мавжудлиги ва улар фаолиятини талаб даражасида ташкил қилинганлиги муҳим ўрин тутди. Маданият ва истироҳат боғлари сони бўйича вилоят улуши етарли даражада катта бўлишига қарамасдан вилоятда улардан фойдаланиш даражаси бирмунча пастлигича қолмоқда. Хусусан вилоятнинг маданият ва истироҳат боғлари бўйича улуши 7,4 фоизни ташкил қилишига қарамасдан дам олиш объектлари ва аттракционлар бўйича улушини мос равишда 4,1 ва 2,5 фоизни ташкил қилиши улардан фойдаланиш самарадорлиги анча пастлигини кўрсатади.

Таҳлилларимизда изчилликни таъминлаган ҳолда бевосита Хоразм вилояти ҳудудидаги мавжуд туристик объектлар, тарихий-маданий, археологик ва архитектура объектлари, муқаддас қадамжоларнинг сони ва уларни ҳудудлар кесимидаги тақсимотига тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу бизга вилоятдаги туристик салоҳият юқори бўлган ҳудудларни ҳамда қайси турдаги туризм фаолиятини қайси ҳудудда ривожлантириш имконияти мавжуд эканлигини аниқлашга ёрдам беради (3.1.4-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан кўринадикки мавжуд тарихий-маданий мерос объектларининг 50 фоиздан ортиғи иккита ҳудуд Хива шаҳри ҳамда

Хазорасп туманларига тўғри келади. Таҳлил ҳамда кузатишларимизни кўрсатишича туризм инфратузилмаси Хива шаҳрида етарли даражада ривожланган бўлсада, катта имкониятга эга бўлган Хазорасп туманида талаб даражасида шаклланган дейиш қийин.

3.1.4-жадвал

Хоразм вилоятидаги мавжуд тарихий-маданий мерос объектлари тўғрисида маълумот²⁸ (2018 йил)

№	Худуд	Археология ёдгорликлари	Этнография ёдгорликлари	Эстетик санъати ёдгорликлари	Дикқатга сазовор жойлари	Муқаддас жойлар	Жами	Умумийга нисбатан фоизда
1	Урганч ш.	-	8	8	5	3	24	9,3
2	Урганч т.	1	4	14	-	4	23	8,9
3	Хива ш.	4	88	8	1	1	102	39,7
4	Хива т.	-	11	9	-	1	21	8,2
5	Хазорасп т.	7	11	4	-	3	25	9,7
6	Шовот т.	3	2	3	-	1	9	3,5
7	Боғот т.	1	2	4	-	7	14	5,5
8	Янгиариқ т.	2	1	3	-	2	8	3,1
9	Гурлан т.	-	1	5	-	1	7	2,8
10	Янгибозор т.	-	-	4	-	1	5	1,9
11	Кўшқуипир т.	-	1	1	-	7	9	3,5
12	Хонқа т.	-	5	4	-	1	10	3,9
ЖАМИ:		18	134	67	6	32	257	100,0

Бундан ташқари туризмни ривожлантиришда Урганч шаҳри (9,3 фоиз), Урганч тумани (8,9 фоиз) салоҳиятли ҳудудлардан саналади. Мавжуд тарихий-маданий мерос объектларининг катта қисми яъни 52 фоизи архитектура ёдгорликлари улушига ва уларнинг 65,7 фоизи Хива шаҳрига тўғри келади. Хива шаҳридаги асосий туристик ресурслар Хива “Ичон-қалъа” музей-қўриқхонаси ҳудудида жойлашган бўлиб уларнинг туристик оқимдаги улуши деярли 70 % га тўғри келади.

Юқорида келтирилган таҳлил натижаларидан кўринадикки вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича етарли имконият ва салоҳият мавжуд. Буни инобатга олган ҳолда соҳа фаолияти ривожланиши ва мавжуд

²⁸ Муаллиф ҳисоб-китоблари

салоҳиятдан фойдаланиш даражасини аниқлаш мақсадида кўрсаткичлар таҳлилига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Туризм соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари ҳамда ҳудудларнинг туризм салоҳияти ва улардан фойдаланиш даражаси каби фаолият турлари натижалари ташриф буюрган туристлар сонига ўз аксини топади. Вилоятга ташриф буюрган туристлар динамикасидаги ўзгаришга эътибор қаратадиган бўлсак унинг кейинги йилларда кескин ўсишини кўришимиз мумкин. Туристлар сони динамикаси таҳлилини амалга оширишда уларни иккита гуруҳ яъни маҳаллий ва хорижий туристларга ажратган ҳолда қараб чиқиши таҳлилда олинган натижалар асосида чиқариладиган хулосаларни янада аниқроқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Даставвал маҳаллий туристлар динамикасидаги ўзгаришга эътибор қаратадиган бўлсак, кейинги тўрт йилда маҳаллий туристлар сони 6,8 баробарга ошганлигини кузатиш мумкин. Натижада маҳаллий туризм бўйича тушум 46,9 миллиард сўмдан 265,4 миллиард сўмга ошиши кузатилади (3.1.5-жадвал).

3.1.5-жадвал

Вилоятда маҳаллий туризмнинг 2015-2018 йилларда ривожланиш динамикаси²⁹

	2015	2016	2017	2018	2019 (прогноз)
Туристлар сони (киши)	265000	358000	1039300	1500000	1800000
Тушум (млрд.сўм)	46,9	63,3	183,9	265,4	318,4
ЯҲМдаги улиши (%)	0,8	0,9	2,3	3,1	3,1

Бироқ ҳар бир маҳаллий туристга тўғри келадиган тушум нуқтан назаридан таҳлилни амалга оширадиган бўлсак, мазкур кўрсаткич келтирилган йиллар давомида бир хил яъни 177 минг сўмни ташкил қилган. Агар йиллар бўйича инфляция даражасини инобатга олган ҳолда қараб чиқилган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг реал қийматида пасайиш кузатилмоқда. Туристлар сонига кескин ошиши инобатга оладиган бўлсак, мазкур ҳолатни туристик маҳсулотлар бозорида рақобатнинг кучайиши натижасида

²⁹ Хоразм вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

нархларнинг пасайиши ва асоссиз равишда ошишини олдини олиниши натижаси сифатида қараш мумкин.

Хорижий туризмнинг ривожланиши бўйича келтирилган статистик маълумотларни кўрсатишича 2015 йилда вилоятга жами 30275 нафар турист ташриф буюрган бўлиб, умумий тушум 99,5 миллиард сўмни ташкил қилган. 2018 йилга келиб мазкур кўрсаткичлар мос равишда 120000 нафарни ва 394,3 миллиард сўмни ташкил қилган. Бундан кўринадики хорижий туристлар сони ҳам улардан тушган тушум ҳам 6,6 баробарга ошган.

3.1.6-жадвал

2015-2018 йилларда Хоразм вилоятида хорижий туризмнинг ривожланиш динамикаси³⁰

	2015	2016	2017	2018	2019 (прогноз)
Турист сони (киши)	30275	33390	40702	120000	200000
Тушум (млрд.сўм)	99,5	109,7	133,7	394,3	657,2
ЯХМдаги улиши (%)	1,7	1,6	1,6	4,5	6,3

Келтирилган иккала кўрсаткичнинг бир хил миқдорга ошиши ҳар бир туристга тўғри келадиган тушум миқдорини деярли ўзгаришсиз қолганлигини кўрсатади. Яъни ҳар бир туристга тўғри келадиган тушум миқдори 3286500 сўмдан 3286000 сўмга ўзгарган. Агар мазкур кўрсаткични АҚШ долларида ҳисобланадиган бўлса ҳар бир туристга тўғри келадиган тушум миқдорини маҳаллий туризмдаги каби камайганлигини кузатиш мумкин.

Вилоятга ташриф буюрган туристлар сонини мамлакат ва ҳудудлар кесимидаги тақсимотида Марказий Осиё давлатлари ичида асосий улуши Туркманистон ва Қозоғистон давлатларига тўғри келади. Туркманистон вилоят билан чегарадош бўлган ягона давлат бўлса, Қозоғистон масофа нуқтаи назаридан энг яқин давлатлардан бири ҳисобланади (3.1.7-жадвал).

Бундан кўринадики хорижий туризмнинг ривожланишида давлатларнинг узоқ яқинлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бошқа давлатлардаги каби МДҲ ва узоқ хориждан ташриф буюрувчи туристлар сонидан ҳам кейинги йилларда кескин ўсишни кузатиш мумкин. Мазкур натижаларга эри-

³⁰ Хоразм вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

2015-2018 йилларда вилоятга ташриф буюрган туристларнинг мамлакат ва ҳудудлар бўйича тақсимооти ва динамикаси³¹

№	Мамлакат ва ҳудудлар номи	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил (прогноз)
1	Қозоғистон Республикаси	Киши сони	127	99	189	1200	8750
		млрд.сўм	0,16	0,13	0,24	1,52	11,08
2	Туркманистон Республикаси	Киши сони	40	9	38	27732	30800
		млрд.сўм	0,032	0,007	0,030	22,0	24,5
3	Тожикистон Республикаси	Киши сони	3	1	9	170	250
		млрд.сўм	0,0014	0,0005	0,0043	0,0821	0,1208
4	Қирғизистон Республикаси	Киши сони	10	4	7	150	200
		млрд.сўм	0,008	0,003	0,006	0,126	0,167
II.	МДХ томонидан	Киши сони	1917	2036	3359	17200	25000
		млрд.сўм	9,7	10,4	17,1	87,5	127,1
III.	Узоқ хориждан ташриф буюрганлар	Киши сони	28178	31241	37100	73548	135000
		млрд.сўм	158,9	176,2	209,2	414,8	761,3

шишда логистика тизимининг ривожланганлик даражаси асосий омиллардан бири сифатида қаралади. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган чоратadbирлар натижасида бир қатор янги авиақатновлар йўлга қўйилди (3.1.8-жадвал).

Халқаро ва маҳаллий авиақатновлар орқали келган хорижий туристлар 2018 йилга келиб 2017 йилга нисбатан 135 фоизга ошиши таъминланган бўлиб, мазкур ўсишни иккига ажратган ҳолда кўриб чиқиш мумкин, яъни мавжуд авиақатновлар ва янги ташкил қилинган авиақатновлар эвазига таъминланган ўсиш даражаси. Мавжуд халқаро ва маҳаллий авиақатновлар орқали келган хорижий туристлар сони 2018 йилда 29596 кишини ташкил қилгани ҳолда олдинги йилга нисбатан 26,7 фоизга ошиши таъминланган.

³¹ Хоразм вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Бундан ташқари 2018 йилда янги 10 та йўналишда 24 та халқаро авиақатновлар амалга оширилган бўлиб, бунинг натижасида вилоятга 1910 та турист ташриф буюрган ва туристлар сонини 8,2 фоизга ошири таъминланган.

3.1.8 -жадвал.

Урганч халқаро аэропортига 2017-2018 йилларда халқаро ва маҳаллий авиақатновлар орқали келган хорижий туристлар, киши

№	Рейс номи	2017 йил		2018 йил		Ўсиш кўрсаткичи	
		Сони	Чет элик туристлар	Сони	Чет элик туристлар	(+,-)	(фоизда)
	Жами	37	23352	741	31506	8154	135
1	Париж-Урганч	25	2831	20	2917	86	103
2	Милан- Урганч	12	2663	21	3466	803	130
3	Москва-Урганч						
4	Санкт Петербург-Урганч		168		704	536	419
5	Тошкент-Урганч		17690	691	22509	4819	127
6	Корея-Урганч-Тошкент			1	122	122	
7	Эр-Рияд-Урганч - Тошкент			1	5	5	
8	Астана-Урганч			1	7	7	
9	Алма-Ата-Урганч			1	7	7	
10	Дубай-Урганч			1	6	6	
11	Женева-Урганч			1	10	10	
12	Актау-Урганч			1	146	146	
13	Внукова-Урганч			2	26	26	
14	Рим - Урганч - Тошкент			14	1578	1578	
15	Бухоро-Урганч			1	3	3	

Таҳлилларимизни кўрсатишича вилоятнинг ҳудудий жойлашуви жиҳатдан марказдан узоқдалиги соҳа ривожига ҳамда мавжуд салоҳиятдан етарлича тўлиқ фойдаланишга асосий тўсиқ бўлиб турган муаммолардан бири саналади. Хусусан бугунги кунда мамлакатимизда амал қилаётган туристик маршрутлар сони 149 тани ташкил қилади, бироқ Хоразм вилоятининг етарли даражадаги салоҳиятига қарамасдан ҳудуд фақат 74 та маршрутга киритилган ҳолос.

Бироқ шундай бўлишига қарамасдан вилоятда туризм салоҳиятидан оптимал фойдаланиш мақсадида турли дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Натижада вилоятда туризм турларини ҳам кенгайтири таъминламоқда. Яқин кунларгача Хоразм, хусусан Хива шаҳрига фақат

маданий-тарихий монотуризм йўналиши сифатида қаралиб келинган бўлса, бугунги кунга келиб *агротуризм, экотуризм, гастротуризм, спорт туризми, соғломлаштириши, тиббий туризм, зиёрат туризми, маданий, этно туризм, ивент, бизнес туризм* каби туризм турлари ривожлана бошлади.

Туристларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, вилоят туман ва шаҳарлари бўйлаб дам олиш ёки ҳордиқ чиқаришнинг юқоридаги тур ва шакллари ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Хива шаҳри ва тумани тарихий маданий туризм (*Хива Ичон-қалъа музей қўриқхонаси*), гастротуризм (*шивит оши, тухум барак, гўмма, ижжон, балиқ, курдик*), зиёрат туризми (*Паҳлавон Махмуд, Биби хожар она, Саид Аловиддин ота, Юсуф Ҳамадоний қабристон мажмуаси ва ҳ.к.*), Боғот, Урганч, Янгиариқ, Хазорасп туманларида ва Урганч шаҳрида тиббий туризм, экотуризм, Урганч шаҳрида бизнес, спорт, ивент туризм, экстремал туризм, сафари туризми каби туризм турларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Агар 2000 йилларда Хоразм вилоятида туризмнинг фақат тарихий-маданий тури мавжуд бўлган бўлса, 2017 йилда туризмнинг 8 та тури, 2018 йилда 12 та тури ривожлана бошлади ҳамда 2019-2021 йилларда вилоятимизда туризмнинг 20 тага яқин турлари ривожлантирилиши кутилмоқда (3.1.9-жадвал).

Хоразм вилояти туристик салоҳияти ва бугунги кунда туризмнинг ривожланиш ҳолати бўйича олиб борган таҳлилларимиз натижасида, вилоятнинг туристик хизматлар соҳасида ечимини кутиб турган қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

- меҳмонхона хўжалиги ривожланишининг (сони ва хизматлар сифати) даражасининг пастлиги;
- кўпгина туристик ёдгорликлар инфратузилмаси объектларининг эскириши ва емирилиши ҳолати, ҳамда бундай зарур туризм инфратузилмаларининг хали етарли шаклланмаганлиги;
- махсус йўналтирилган туристик инфратузилмалар ва улар учун махсус тайёрланган кадрларнинг етишмаслиги ёки паст даражаси;

**Хоразм вилоятида 2017-2021 йилларда туристик йўналиш турларининг
ривожланиб бориш тенденциялари³²**

Йўналишлар/йиллар	2017 йил	2018 йил	2019-2021 йиллар
Туристик йўналишлар турлари	1. Маданий-тарихий туризм; 2. Археологик туризм; 3. Экологик туризм; 4. Зиёрат туризм; 5. Гастрономик туризм; 6. Ёшлар туризм; 7. Маданий-кўнгилочар туризм 8. Арт туризми	1. Маданий-тарихий туризм; 2. Археологик туризм; 3. Экологик туризм; 4. Зиёрат туризм; 5. Гастрономик туризм; 6. Ёшлар туризм; 7. Маданий-кўнгилочар туризм; 8. Спорт туризм; 9. Бизнес туризм; 10. Сафари туризм; 11. Агро туризм 12. Арт туризми	1. Маданий-тарихий туризм; 2. Археологик туризм; 3. Экологик туризм; 4. Зиёрат туризм; 5. Гастрономик туризм; 6. Ёшлар туризм; 7. Маданий-кўнгилочар туризм; 8. Спорт туризм; 9. Бизнес туризм; 10. Сафари туризм; 11. Агро туризм; 12. Оилавий туризм; 13. Саргузашт туризм; 14. Экстремал туризм; 15. Болалар туризми; 16. Қишлоқ туризми.

- туристик субъектларнинг, айниқса, туризм энди кириб бораётган ҳудудлардаги турсубъектларнинг конъюктуравий туристик ахборотлар билан таъминлашнинг суствлиги;

- доиравий “*олтин халқа*” турмаршрутларининг хали етарли даражада шаклланмаганлиги;

- турмахсулотларни сотиш ва реклама қилиш бўйича ҳаракатларнинг камлиги ва уларни мувофиқлаштиришнинг талаб даражасида эмаслиги;

- вилоятнинг республикамик туристик марказларидан узоқдалиги, транспорт нархларининг қимматлиги сабабли, аксарият Ўзбекистонга ташриф буюрган туристларнинг марказий шаҳар ёки унга яқин тарихий шаҳарлардан қайтиб кетиши;

- юқори тезликли турли хил коммуникацияларнинг, асосан, тезюарар поездларнинг қатновини халигача йўлга қўйилмаганлиги;

³² Муаллиф ишланмаси

Шу билан бирга, Хоразм вилоятида кейинги йилларда туризмнинг республикамизни барча ҳудудларидаги каби жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги ҳолисона аниқланди. Жумладан, хорижий ва маҳаллий туристлар оқимининг бир неча ўн баробар, жойлаштириш воситаларининг кейинги 5 йилда 3 баробар ошганлиги, туристик инфратузилма объектлари кўпайиб бораётганлиги, миллий ва маҳаллий даражада туризмни ҳар томонлама кўллаб-қувватланаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Хоразм вилояти туман ва шаҳарларида туризмнинг мавжуд асосий устунликларидан самарали фойдаланиш мақсадида, айниқса, тарихий-маданий, экологик, агро, зиёрат, тиббий, спорт, ивент, илмий, таълим туризми турларини ривожлантириш, туристик салоҳияти юқори бўлган кўшни вилоятлар ва давлатларнинг ҳудудлари билан ўзаро самарали туристик маршрутлар ташкил қилиш ҳамда кадрлар малакасини ошириб бориш тавсия қилинди.

3.2. Ҳудудда кичик рекреация зона ва кластерларларни ташкил қилиш орқали хизматлар соҳасини ривожлантириш йўналишлари

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишга эришиши, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ошиши кўпчилик ҳолларда миллий иқтисодиётнинг турли устувор соҳа ва тармоқларига жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ҳажми ва таркибига боғлиқ бўлади. Шундай экан, ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналиши миллий иқтисодиётга инвестиция маблағларини жалб этишнинг жозибадор муҳитини шакллантиришга қаратилиши муқаррардир.

Яқин келажакда туристик хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш орқали туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг этакчи стратегик секторига айлантиришни устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олган Ўзбекистон учун республикамиз минтақалари

туризм соҳасининг инвестицион жозибадорлиги ва фаоллигини оширишни тадқиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганларидек, “инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, худудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади³³”. Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш, техник-технологик янгилашда инвестициялар, хусусан, хорижий инвестицияларни ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунини инобатга олган ҳолда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳукуватимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда, жумладан, 2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 млрд. долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 млрд. долларни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда³⁴.

Тадқиқотларимизга кўра, мамлакат ва худудлар иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш, инвестицион фаолликни ошириш, минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришда бир қатор механизмлардан фойдаланилади.

Жаҳон амалиётида минтақавий иқтисодиётда самарали қўлланилаётган интеграцион модель бу кластер модели саналади. МДҲлик олимлар Т.В.Саҳно ва Н.Н.Волковаларнинг фикрича, “кластернинг ишлаб чиқариш-кооперация ва бошқа ўзаро ҳамкорлик умумий моделларидан асосий фарқли

³³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси\ <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси\ <http://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

жихатларидан бири ҳудудий маҳаллийлаштириш тамойили ҳисобланади³⁵». Бироқ таъкидлаш керакки, кластернинг географик масштаблари битта шаҳар ёки ҳудуддан тортиб мамлакат миқёсигача ёки ҳатто айрим қўшни давлатларгача тарқалиши мумкин ва минтақавий даража кластер моделининг вариантларидан бири саналади.

Т.В.Сахно ва Н.Н.Волковаларнинг таъкидлашича³⁶, “маъмурият учун кластерлар, *биринчидан*, иқтисодий сиёсатнинг жуда қулай ва замонавий воситаси; *иккинчидан*, бу бизнес билан ҳамкорлик қилиш учун жуда яхши майдон; *учинчидан*, минтақавий ва маҳаллий маъмурий ҳокимият органларига жуда катта ҳажмдаги вазифалар қўйилган бўлиб, уларни эчишга куч, маблағ ва вақт ҳам этишмайди. Кластер ёндашуви эса асосий мақсадлардан бири бўлган аҳоли бандлиги, минтақанинг даромадлилигига эришишда муҳим омил бўлади ва бир қатор этакчи мамлакатларнинг тажрибаси билан тасдиқланган.

Кластер назариясининг асосчиси Гарвард мактабининг профессори Майкл Портернинг фикрича “кластерлар постиндустриал иқтисодиётни шаклланиши ва глобаллашув шароитларида рақобат афзалликларига эришиш учун манфаатдор томонларнинг интилишларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли³⁷” ҳисобланади.

Энг асосийси, кластерлар бизнес учун ҳам, минтақа учун ҳам ўз ҳолича инерция бўйича ривожланмаслик учун восита, имкониятдир. Кластер – бу истиқболда ўзини рақобатбардош қилиб таъминлаш, корхонани 5-10 ва унданам кўп муддатга ривожланиш стратегиясини яратишдир. Кластерлар иқтисодиётнинг муайян бир секторида ихтисослашган ва географик жихатдан маҳаллийлашган корхоналардан ташкил топади. Иқтисодий тизимда кластер бирлашмалари қуйидаги вазифаларни бажаради: кучли корхоналар майдаларини ўз изидан тортади. Кластернинг муваффақият калити – соғлом рақобат, лидерларнинг тенглашиши, лидерлардан, минтақа

³⁵ Волкова Н. Н., Сахно Т.В. Промышленный кластер. - Полтава: Асми, 2005. С 11

³⁶ Ўша жойда: каранг

³⁷ Портер М. Международная конкуренция. - М.: Международные отношения, 1993. С. 187.

маъмурий ресурсларидан кўмак олиш саналади.

Постиндустриал иқтисодиёт даврида кластерлар – ўзаро географик жиҳатдан боғланган, бир ҳудудда турли тармоқларда ишловчи корхоналар гуруҳидир. Масалан, кластерга турагентликлар, туроператорлар, меҳмонхоналар, инфратузилманинг бошқа корхоналари бирлашиши мумкин.

Кластерлар минтақалар ҳудудлари иқтисодий ривожланишининг омили сифатида давлатнинг самарали ривожланишига имкон беради. Кластерларни яратиш ва рағбатлантириш негизида минтақавий иқтисодий ривожланиш бизнеснинг ташаббускорлиги, фаоллигини, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти, бизнеснинг ўзаро биргаликдаги интилишларини назарда тутди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, айнан кластерлар доирасида юқори технологик ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот соҳасининг салоҳиятини бирлаштириш асосида корхоналарнинг технологик рақобатбардошлигини ошириш муаммоси ҳал қилинади³⁸.

Таъкидлаш жоизки, бу эрда бошқа мамлакатларнинг ҳам тажрибасига мурожаат қилишимиз мумкин. Мисол учун, Германияда 1995 йилдан бери Био Регио биотехнологик кластерлар дастури амал қилиб келмоқда. Буюк Британияда эса ҳукумат Эдинбург, Оксфорд ва Англиянинг жанубий-шарқий районларида биотехнологик фирмаларни жойлаштиришнинг асосий минтақаларини аниқлади. Норвегияда эса ҳукумат “денгиз хўжалиги” кластери фирмалари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиради. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Финляндия ва Скандинавия саноати тўлалигича кластерлаштирилган, АҚШда эса қарийб корхоналарнинг ярми кластер моделида ишлашади ва муайян минтақадаги табиий, кадрлар ва интеграцион салоҳиятдан максимал фойдаланишади³⁹.

Умуман олганда, кластер ёндашуви бизнинг миллий бошқарув амалиёти, иқтисодиёт тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва таълим

³⁸ Хасаев Г. Модернизация экономики Самарской области на основе кластерной политики, как предпосылка роста инвестиционной привлекательности региона. Спец. Выпуск “Около таможи” окт. 2008. С.86.
https://te.sfedu.ru/evjur/data/2009/journal7_3_2.pdf

³⁹ Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития //Теория и практика управления. 2003. №5. С.116.

муассасасалари, бутловчи қисмларни этказувчилар, хизмат кўрсатувчилар, давлат органлари ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур бўлиб, тармоқлараро ва минтақалараро йирик инвестицион лойиҳаларни шакллантириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам республикаимиз иқтисодиёти тармоқларида кейинги йилларда кластер ёндашувидан айниқса, пахтачиликда кенг фойдаланилаётганлиги таъкидланиб, 2019 йилда камида пахта этиштиришни 52 фоизга этказиш учун 48 та пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, истиқболда ғалла, мева-сабзовотчилик кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтилди⁴⁰.

Шуни таъкидлаш лозимки, туризмни ривожлантиришда кластер ёндашуви имкониятларидан республикаимизда шу кунгача деярли фойдаланилмаган ёки эндигина дастлабки лойиҳаларни амалга оширишга киришилмоқда. Чунки, туризм ноёб хусусиятларга эга бўлгани ҳолда туризмни ривожлантиришга кластер ёндашуви алоҳида аҳамият касб этади. Дастлабки бобларда келтирилгандек туристик кластерда кластер аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг моҳияти шуни кўрсатадики, улардан бирининг яхши ишлаши қолган иштирокчилар муваффақиятининг гарови ва ўзаро туризм жамоавий бозорини ифодалайди. Шундай қилиб, туристик кластернинг барча компаниялари ҳамкорликдаги фаолиятдан жуда кенг доирадаги имкониятлар ва яқиний умумий даромадлар кўринишида фойда олади.

Туристик кластерда йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик сабабли янги маҳсулот ва хизматларни яратиш учун шароит, инновацион ва ишбилармонлик рақобатчилик муҳити юзага келади. Кўпгина туристик кластерлар ўзларига яқин, ҳамкор саноат тармоқлари корхоналари ва қўллаб-қувватлов-

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси \ <http://uza.uz/>. 28-12-2018

чи кластерлар билан, масалан, спорт ва туристик буюм-жихозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ОАВ соҳаси, табиий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш доимий равишда алоқаларни мустаҳкамлаб борадилар.

Тадқиқотимиз давомида тўпланган хорижий тажрибалар ва Хоразм худуди хусусиятларини инобатга олган ҳолда вилоят ҳокимлигига асосий ғояси кластер сиёсати асосида иқтисодийни модернизациялаш бўлган минтақани узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этилди. Кластерлар асосида Хоразм вилоятида иқтисодийнинг инновацион йўналишини шакллантириш бўйича стратегияни амалга оширишда этакчи ўринни туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳаси эгаллаши керак, чунки мазкур соҳа ўзининг кенг қамровли салоҳиятига асосан худуд ривожланишининг бош йўналишларини белгилайди.

Биз Хоразм вилоятида умумий туристик кластерни ташкил қилишни таклиф этган ҳолда, айнан шу тузилма орқали худуднинг минтақада, миллий даражада ва халқаро туризм бозорларига чиқиш, инвестицион салоҳиятини очиш бўйича фаолиятини яна асосли социологик сўровнома орқали ўрганиб туризм мажмуаси ва унинг инфратузилсини ўзаро мувофиқлаштириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Таҳлилларимизга кўра, кейинги йилларда Хоразм вилояти туризми ривожланишида ижобий тенденциялар кузатилмоқда. Жумладан, кўрсатилаётган туристик хизматлар ҳажми, мос равишда туризмдан олинадиган даромадлар ошмоқда. Шунингдек, меҳмонхоналар сони 2014 йилда 48 та улардаги ўринлар сони қарийб 1000 бўлган бўлса, 2018 йилга келиб меҳмонхоналар сони 70 тадан, ўринлари сони эса 2,5 мингтадан ҳам ошди. Шунингдек, замонавий талабларга ва жаҳон андозаларига жавоб берувчи ўнлаган автобус ва микроавтобуслар, таксилар, электромобиллар олиб келиниб туризм транспорт хизматлари инфратузилмаси шаклланиши, Хива шаҳрига тез юрар темир йўл поездининг олиб борилиши улкан имкониятлар эшигини очиб Хоразмда туристик кластерни ташкил этилиши

учун улкан замин бўлди. Масалан, Хоразм вилоятида Шайх Юсуф Ҳамадоний, Пахлавон Маҳмуд (Пурёйвалий), Биби Ҳожар она қадамжолари зиёрат туризмни, мавжуд қадимий хон ошхонасининг шивит оши, гўмма, Хоразмча тансиқ палов, тухум барак, балиқ, “ижжон⁴¹”, сетка кабоб каби овқатлари гастронмик туризмни, чўл ва кўллар экотуризмни ривожлантириш имкониятларини дунёнинг исталган бир мамлакати туризми билан таққослаш мумкин. Хоразм вилояти ўзининг ажобий бетакрор табиий иқлимий шароитлари, қадимий ва навқирон тарихи қарийб уч минг йилларга бориб тақалувчи Хива шаҳри, маданияти ва санъати билан маданий, зиёрат ва экологик, спорт туризмни ривожлантиришда Ўзбекистон минтақалари ичида алоҳида ўринга, салоҳиятга эга. Туризм соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши, унинг рақобатбардошлик афзалликлари, нафақат тарихий ёки табиий омилларга, балки бутун туризм саноати ривожланиши дастурларига, юқори сифатли турмаҳсулотларга боғлиқ. Истиқболли турмаҳсулотлар сифатида юқорида таъкидлаганимиздек тарихий-экскурсион, зиёрат ва спорт-соғломлаштириш, гастронмик дастурларни таъкидлашимиз мумкин.

Хоразм вилоятида тобора экотуризм, спорт туризми, гастронмик туризм каби фаол туризм шаклларининг жозибадорлиги ортиб бормоқда. Буларнинг барчасини Хоразм воҳасига келувчи туристларга кластерга бирлашган тадбиркорлик тузилмалари тақдим қила олади. Ҳудудий туристик кластерларни ривожлантириш концепцияси ўз ичига қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

- 1. Давлат сиёсати ва туризм соҳасида бошқарув.*
- 2. Туризм соҳасида нодавлат тартибга солишининг ривожланиши.*
- 3. Туристтик ресурсларни муҳофаза қилиши ва улардан фойдаланиши тизимини ривожланиши.*
- 4. Туристтик марказлар ва зоналарни ривожланиши.*
- 5. Туризм инфратузилмасини ва моддий базасини ривожлантириши.*

⁴¹ Хон ошхонасида тайёрланган хом гўштни ойболтада пиёз намақоб билан аралаштириб механик чопиш нағижасида пишиб тайёр бўладиган фақат Хоразмнинг Хива шаҳри ва тумани ҳудудида тайёрланадиган экологик тоза тансиқ овқат тури

6. Миллий ва минтақавий даражада маркетинг тизимини ривожлантириш.

7. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш.

8. Туризм соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш.

9. Туризм соҳасининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш.

10. Туризм соҳасидаги ҳудудлараро, минтақалараро ва ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Айниқса, Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш Концепцияси нафақат туризм соҳаси, балки туристик кластернинг таркибига кирувчи тармоқларга инвестицияларни жалб қилишни жорий ва узоқ муддатли режалаштиришнинг илмий асоси бўлиб хизмат қилади.

Хоразм вилояти маҳаллий бюджетини шакллантиришда туризм кластери аҳамиятини инобатга олган ҳолда туризмни ривожлантириш, муайян тармоқларнинг туризм билан боғлиқ дастурлари харажатларини алоҳида сатрда кўрсатиш керак. Туризм тармоғи ривожланишининг бюджетдан молиялаштириш натижалари ҳисоби ва таҳлилини барча дастурлар ва режаларда юритиш зарур.

Бюджет маблағлари ёрдамида яқунланган ва фойдаланишга топширилган туристик объектлар акциядорлик жамиятлари шаклида юридик шахс сифатида давлат ёки муниципал мулк асосида фаолият кўрсатиши ёки танлов асосида сотилиши керак.

Айрим ҳолларда туристик объектнинг стратегик аҳамиятлилигидан келиб чиққан ҳолда танлов асосида холдинг бошқарувига берилувчи тўла-қонли давлат ёки муниципал мулк негизида субъект ташкил этилиши тўғри бўлади. Инвестицион лойиҳалар бўйича молиялаштириш қурилишни режали асосда олиб боришга ва тушган маблағларни янги туристик объектларга реинвестициялашга имкон беради. Туристик объектларга бўлган эҳтиёж туризм бозори талаб ва таклифини маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида аниқланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Туризм соҳасида, айниқса ижтимоий йўналишларини нодавлат тартибга

солиш вазифаларини нотижорат туристик ташкилотлар (*онлайн жамиятлар, ассоциациялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, федерациялар, касаба уюшма клублари*) фаолияти ижтимоий ҳодиса сифатида туристик бизнес ва туризмни ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга қаратилиши керак. Нотижорат ташкилотлари томонидан кўп ҳажмдаги ишлар бажаралишига қарамасдан, улар фаолиятининг самарадорлиги ҳозиргача жуда пастлигича қолмоқда. Анъанавий нотижорат ташкилотларининг фаолияти катта молиявий маблағлар талаб қилади ва уларнинг чекланган молиявий имкониятлари эса қўйилган вазифаларни тўлиқ ҳажмда ҳал қилиш имконини бермайди. Натижада улар йиғилишлар ўтказиш имкониятига эга эмас, ва мажбурий тарзда кам сонли делегатлар билан шароит тақозо қилсада кам сонли съездлар ўтказишади. Амалиёт кўрсатишича, бундай нотижорат ташкилотларининг оддий аъзолари эътибордан четда қолади ва ҳатто нотижорат ташкилотининг ичида ҳам ўзини тинглашлари бўйича ўзига ишончи қолмайди. Нотижорат ташкилотларининг фаолиятида бундай муаммоларнинг мавжудлиги кўп сонли аъзолар жалб қилиш имкониятларини чеклайди. Шунинг учун ҳам, нотижорат ташкилотлари ижтимоий туризм соҳасидаги харажатлари давлат, корпоратив ҳамда ҳомийлар маблағларига таянган ҳолда фаолиятини ташкил қилишнинг нисбатан самарали шакллари излаб топиш жуда долзарб масала ҳисобланади. Ахборот технологияларини жорий қилиш асосида фаолиятнинг аксарият қисмини электрон шаклда амалга оширишни назарда тутувчи анъанавий нотижорат ташкилотларининг самарадорлигини бу йўналишдаги ишларини фаоллаштириш орқали таъминлаш мақсадга мувофиқ⁴².

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳам жадал ривожлантириш зарурати тобора ортиб бормоқда. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг

⁴² http://www.giop.ru/vosno/vosno.nsf/html/OPROEKTE_VOSNO

асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида бу масала хусусида алоҳида тўхталиб ўтганди. Жумладан, мамлакатимизда туризм индустриясини тараққий эттириш борасида сўз юритаётиб, “Охирги йилларда туризмдек муҳим соҳа комплекс раҳбарининг зарур даражадаги эътиборидан четда қолиб кетди. Бу хатони сўзсиз ва энг муҳими, натижали равишда тўғрилаш керак. Биз ҳозир фақат туризмни ривожлантириш билан шуғулланадиган тузилмага доир масалаларни тасдиқладик. Бу чоралар туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига кўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий кадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта захираларини тўлдириш бўйича аниқ чоратadbирлар билан кучайтирилиши зарур”⁴³ деган эди.

Дарвоқе, туризм хизмат кўрсатиш соҳасининг, умуман олганда, иқтисодиётнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, яхлит тизим сифатида мамлакат ҳамда умумжаҳон хўжалигининг муайян унсурлари билан узвий алоқада бўлади.

Туризм нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга соҳа саналади. Асосий хизматлари мижозга истеъмол жараёнида кўрсатилади. Улар моддий ва номоддий неъматлардан иборат бўлиб, сайёҳлар мароқли дам олишини ва соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлашга йўналтирилади. Бундан ташқари, туризм аҳолининг умумий маълумоти ва саводхонлигини оширишда, маданий-маънавий дунёқарашини шакллантиришда қўл келади.

Шунинг учун ҳам диёримизда туризм индустрияси ва туристик хизматлар соҳаси Мустақиллик йилларида хусусийлаштириш ҳамда бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш талабларига мос равишда қайта ислоҳ қилинди. Соҳани жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар ҳозир ҳам изчил давом

⁴³ “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2017 йил 14 январь.

эттирилмоқда. Жойларда туризм салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида ҳудудларнинг минтақавий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ўсишига эришилмоқда. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик керакки, Ўзбекистон шароитида туризм хизматлари бозори халқаро тенденцияларини сақлаб қолиши билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятлари борлиги билан ҳам ажралиб туради.

Бугунга келиб, туризм мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир бир қанча устувор йўналишларда этакчи ўринни эгалламоқда. Аввало, иқтисодий фаол аҳоли бандлиги таъминланишига, янги ва қўшимча иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшмоқда. Иккинчидан, эл-юрт фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Учинчидан, иқтисодий фаолиятнинг бир-бирига боғлиқ талай тармоқлари ҳамда инфратузилма ривожланишига туртки бермоқда. Тўртинчидан, маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда муҳим восита вазифасини ўтамоқда.

2017-2021 йилларда туризм соҳасини жадал раванқ топтириш бўйича қабул қилинган алоҳида дастур қуйидаги йўналишларни қамраб олган⁴⁴:

- соҳадаги бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- сайёҳлар учун виза ва рўйхатга олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш;
- янги туристик маршрутларни яратиш;
- туризм инфратузилмаси жадал ривожланишини таъминлаш;
- соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- туризмни ривожлантириш бўйича махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш.

Ҳозир айти мақсадда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратиб беришни кўзда тутувчи янги таҳрирдаги “Туризм тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Дастур эса сайёҳлар учун мўлжалланган

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи”, 2017 йил 7 февраль.

объектлар уларга ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикаси такомиллашувини, туризм индустриясига оид хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини таъминлайди.

Республикаимиз минтақаларида туристик кластерларнинг шакллантирилиши туристик-рекреацион ресурслардан тўлиқ фойдаланиш замирида янги сайёҳлик фирмалари очилишига, олдиндан мавжудлари ишини янада фаоллаштиришга ҳамда замонавий туристик маҳсулотлар тайёрланишига замин ҳозирлайди.

Туристтик-рекреацион кластер жараёни туристик маҳсулотнинг хизматлар бозоридаги ривожланиш фаолиятига таъсир этувчи зарурий омиллар сирасига киради. Бугунги рақобат шароити ҳар қандай сайёҳлик фирмасининг асосий мақсади истеъмолчини ўзи кўрсатадиган хизмат турларига жалб қилишдан иборат бўлишини тақозо этади.

Мамлакатимизда миллий туризм хизматлари бозорини ривожлантиришда кластер иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш даражасини ошириш учун катта қулайликлар мавжуд. Қолаверса, сайёҳлик минтақаларининг бу борадаги ўзига хос имкониятлари эътиборга олинган ҳолда, туристик-рекреацион кластерни шакллантириш ва амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми белгилаб берилган.

Таклиф этилаётган кластердан кўзланган мақсад эса минтақалардаги бетакрор туристик ресурслардан унумли фойдаланиб, сайёҳлик хизматлари бозорини янада кенгайтириш, шу тариқа туристлар сони узлуксиз кўпайиб боришига, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Минтақаларнинг туристик-рекреацион кластери унинг таркибига кирадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш учун қулайлик туғдиради. Натижада улар учун ахборот алмашинуви ва янгиликларни жорий этиш, ҳамжихатликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ишларини энгиллаштириш, туристларга хизмат

кўрсатувчи инфратузилма объектларидан биргаликда фойдаланиш имкониятлари кенгаяди.⁴⁵

Минтақавий иқтисодиётнинг кластерлар яратилиши ва рақобатлантирилиши негизида ривожланиши бизнес ташаббускорлиги ва фаоллигини, шунингдек, бизнеснинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан қўшма ҳаракатларини назарда тутди. Бизнес ва ҳукуматнинг бу борадаги роллари ҳар хил. Айтиш жоизки, улар бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади. Минтақаларда кластерларни ривожлантиришнинг энг зарур омилларидан бири минтақавий бошқарув идораси томонидан иқтисодий ва ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилишидир.

Кластерларни шакллантириш учун иштирокчиларининг бир-бирига ишончи жуда юқори бўлиши керак. М.Портер барча кластерлар ривожини бир хилда қўллаб-қувватлаш лозим, чунки бу жараён улардан қай бирида жадал, қай бирида сушт кечишини олдиндан билиш даргумон, деб таъкидлаганди.

Кластер назарияси кейинчалик М.Портернинг шогирди М.Энрайт томонидан янада бойитилди. Рақобатдошликнинг мамлакат ичидаги минтақавий тафовутлари ва рақобат устунлигининг географик кўламлари Энрайтга тадқиқот объекти сифатида хизмат қилди. У рақобат устунлиги халқаро ёки миллий миқёсларда эмас, балки минтақавий даражада яратилади, бунда минтақалар тараққиёти учун тарихий шарт-шароит, бизнес юритиш маданиятининг турли-туманлиги ва маълумот олиш муҳим аҳамиятга эга, деб тахмин қилди. Пировардида минтақавий кластер назариясини яратди. Олимнинг уқтиришича, минтақавий кластер шундай кластерки, унга аъзо фирмалар географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашади. Бинобарин, минтақавий кластерни хўжаликнинг ўзаро боғлиқ бир ёки бир нечта тармоғида фаолият юритувчи фирмалар агломерацияси дейиш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, рақобат курашида кластерларга асосий

⁴⁵ Сафаров Б.Ш. “Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш”. Докторлик диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2016 йил, 14-бет.

урғу берилади. Чунки улар бозор иқтисодиётининг бошқа институтлари, хусусан, ҳукумат, университетлар, компаниялар, турагентликлар, туроператорлар самарадорлигини ошириш имконини беради. Ўзларида давлат сиёсатини тушунишининг янги ва қўшимча усулини намоён этади. Айрим минтақаларда кластерлар ҳолатини тушуниш кластерлар иқтисодиёти туризм салоҳиятининг ички хусусиятларини ҳамда уларнинг келгуси ривожини учун мавжуд бўлган чекловларни қўллашни таъминлайди.

Шундай қилиб, кластерлар қиёсий устунликлардан фойдаланиш ва рақобат жиҳатидан устунликларни таъминлашга асосланган ҳолда, миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишга кўмаклашмоқда. Юртимизда рекреацион туризм тизимли фаолият юритиши, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида рекреацион объектлар, санаторийлар, пансионатлар ва бошқа дам олиш масканлари сонини кўпайтириш ва хизматлар сифатини яхшилаш чоратадбирлари кўрилмоқда.

Туристик, хусусан, рекреацион туризм хизматлари бозоридаги иқтисодий фаоллик даражаси тез суръатлар билан ортиб бориши, биринчи навбатда, иқтисодий омиллар таъсирида рўй бераётир. Бунда сиёсий барқарорлик уларнинг реализацияси учун таъсир этувчи асосий омил сифатида намоён бўлаётир.

Бизнингча, келгусида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш рекреацион туризм истиқболида муҳим аҳамиятга эга бўлади:

– табиий шароит ва ўзига хос иқлим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, рекреация ва дам олиш ҳамда соғломлаштириш масканларини карталаштириш, сайёҳларни қабул қилиш юқини географик ва экологик нуқтаи назардан баҳолаш;

– рекреацион туризм ҳудудларида туризм кластерларини барпо этиш (Ўзбекистонда мавжуд санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш масканларида қўшимча равишда туризмнинг барча йўналишларини қамраб оладиган иншоотлар мажмуасини қуриш, шу зайл ҳудудга маҳаллий ва

хорижий сайёҳларни жалб этиш);

– туризм кластерлари кенг ривожланган минтақаларда эркин туристик зоналар ташкил этиш;

– рекреацион туристик маҳсулотлар турини ҳар қачонгидан кўпайтириш;

– рекреацион туризмнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

– соғломлаштириш, дам олиш ва курортлар тизимига хорижий сайёҳларни жалб қилиш орқали рекреацион туризмга эътиборни кучайтириш.

Қуйидаги жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг мутлақ ўсиш даражаларини ҳисобга олган ҳамда уларнинг ўртача ўсиш кўрсаткичларидан фойдаланиб, экстрополяция усулини қўллаган ҳолда 2015-2019 йиллар учун башорат кўрсаткичларини аниқлаймиз⁴⁶

3.2.1-жадвал.

2015-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида айрим рекреация субъектларининг кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
		Ҳақиқатда		Прогноз		
1	Санаторийлар ва дам олиш муассасаларининг жами сони	408,8	430,6	452,4	474,2	496,0
2	Улардаги ўринлар (жойлар), <i>мингта</i>	61,6	66,4	71,2	76,0	80,8
<i>Шундан:</i>						
3	Санаторийлар сони	102	104	106	108	110
4	Улардаги ўринлар (жойлар), <i>мингта</i>	14,6	14,9	15,1	15,4	15,6
5	Санаторий-профилакторийлар сони	61,2	63,4	65,6	67,8	70,0
6	Улардаги ўринлар (жойлар), <i>мингта</i>	6,0	6,5	6,9	7,4	7,9
7	Дам олиш уйлари, дам олиш базалари ва пансионатлар сони	54,8	56,6	58,4	60,2	62,0
8	Улардаги жойлар, <i>мингта</i>	5,0	4,9	4,7	4,6	4,4
9	Сайёҳлик базалари ва бошқа дам олиш муассасалари сони	191	207	223	239	255
10	Улардаги жойлар, <i>мингта</i>	35,5	39,4	43,2	47,1	50,9

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2015 йил, 130-бет.

Маълумотлардан кўришиб турибдики, деярли барча ҳолатларда рекреацион туристик объектларнинг миқдорий кўрсаткичларида яқин келажакда барқарор ўсиш кутилади, фақатгина дам олиш уйлари, дам олиш базалари ва пансионатлардаги жойлар 2019 йилга бориб 4,4 мингтага камайиши кузатилади. Бунинг асосий сабаблардан бирини ҳозирги пайтда ушбу йўналишдаги объектларнинг давр талабларига мос келмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Шунга кўра, уларни қайта қуриш, реконструкция қилиш ва замонавийлаштиришга тўғри келади. Бу жараёнда уларнинг сони ва ўрин-жойлари маълум вақтга камаяди.

Мамлакатимизнинг барча сайёҳлик ҳудудларида туристик-рекреация кластерларини шакллантириш ва сайёҳлик мажмуаларини барпо этиш ҳамда уларнинг халқаро талабларга жавоб берадиган даражада бўлишига эришиш туристлар сони ортишига ижобий кўрсатади. Ўз навбатида, айтилиши мумкин, иш ўринлари кўпайишига, ҳудудлар инфратузилмаси янада яхшиланишига, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўсишига ва аҳолининг турмуш тарзи фаровонлашишига хизмат қилади.

3.3. Хоразм вилоятида болалар оромгоҳлари ва санаторияларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Хоразм вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тизимидаги шаҳар, туман кенгашлари, бирлашган ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари тамонидан вилоятдаги муассаса, корхона ва ташкилотларда ишлаётган ходимларга касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга касаба уюшма ва ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан 2016 йилда 2700 нафар кишига йўлланма имитиёзли тарзда ажратилиб, 2365498,3 минг сўм, 2017 йилда 2729 нафар кишига йўлланма имитиёзли тарзда ажратилиб, 2775429,8 минг сўм, 2018 йилда 3045 нафар кишига йўлланма имитиёзли тарзда ажратилиб, 3885818,5 минг сўм маблағ сарфланган (3.3.1-жадвал).

Шунингдек, болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини сермазмун ўтказиш, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам рухий жиҳатдан ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, улар онгига миллий ғояни, ватанпарварлик туйғуларини ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш орқали ҳар томонлама баркамол авлодни вояга этказиш мақсадида ҳар йили вилоятимизда болаларни оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сон “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқлаган “Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги Низом”и талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилмоқда. Шунингдек, вилоятимизда ҳам Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда Хоразм вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг қўшма қарори асосида ёзги мавсумда ўқувчи-ёшларни дам олдириш ва соғломлаштириш амалга оширилмоқда.

3.3.1-жадвал

2016 – 2019 йилларда ходимларни касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилиши бўйича таҳлилий маълумот⁴⁷

	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил*
Санаторийлар сони, та	15	16	17	17
Пансионатлар сони, та	1	1	2	2
Ажратилган йўлланмалар сони, дона	2700	2729	3045	2638
Йўлланмалар учун тўловлар миқдори, млн сўм	2365,5	2775.4	3885,8	3854,9

⁴⁷ Хоразм вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Шунингдек, амалдаги Йўриқномага асосан 2016 йилда 651 та, 2017 йилда 777 та, 2018 йилда 892 та санаторийларга йўлланмалар ишчи – хизматчиларнинг ишламайдиган оила аъзоларига имтиёзли тарзда ажратилди.

Бир йўлланманинг ўртача нархи 2016 йилда 859,6 минг сўмни, 2017 йилда 997,1 минг сўмни, 2018 йилда 1205,2 минг сўмни ташкил этган.

2019 йил учун бюджет кўрсаткичлари бўйича вилоятдаги ишчи – ходимларни касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштириш режаси 2638 киши қилиб белгиланган бўлиб, сарфланадиган маблағ миқдори 3854909,4 минг сўмни, бир йўлланманинг ўртача нархи 1461,3 минг сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

3.3.2-жадвал

2016-2019 йилларда оромгоҳларда ўқувчи-ёшларни дам олдириш ва соғломлаштириш тўғрисида таҳлилий маълумот⁴⁸

	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил*	
	Режа да	Амалда	Режа да	Амалда	Режа да	Амалда	Режа да	Амалда
Оромгоҳлар сони,та	31	31	34	34	33	33	34	34
Ажратилган йўлланмалар сони,дона	11240	11292	11240	11831	11240	11280	13125	13125
Йўлланмалар учун тўловлар миқдори, млн сўм	1370,9	1424,2	1537,7	1545,8	1907,5	1987,2	4431,7	4431,7

Жумладан, **2016 йил** ёзги мавсумида вилоят бўйича жами 31 та болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатиши ва уларда 11240 нафар, шу жумладан, 15 та

⁴⁸ Хоразм вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

стационар оромгоҳларда 6140 нафар, 16 та кундузги оромгоҳларда 5100 нафар болаларни дам олдирилиши белгилаган.

Мавсум якунига кўра 2016 йил стационар оромгоҳларда 6191 нафар, кундузги оромгоҳларда 5101 нафар, жами 11292 нафар болалар дам олдирилиб, режа 100,4 фоизга бажарилди.

Корхона, ташкилотлар жамоа шартномалари орқали имтиёзли ва бепул тарзда эҳтиёжманд оилаларнинг 405 нафар фарзандлари вилоятимиздан ташқаридаги оромгоҳларда дам олдирилди.

Давлат бюджети ҳисобидан кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларидан Тошкент, Қашқадарё вилоятидаги оромгоҳларда 1500 нафар болалар дам олдирилди.

2017 йил ёз мавсумида вилоят бўйича жами 34 та болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатилиши ва уларда 11240 нафар шу жумладан, 16 та стационар оромгоҳда 5810 нафар, 18 та кундузги оромгоҳларда 5430 нафар болаларни дам олдирилиши белгиланган.

Мавсум якунига кўра, 2017 йил стационар оромгоҳларда 6221 нафар, кундузги оромгоҳларда 5610 нафар, жами 11831 нафар болалар дам олдирилиб, режа 103,6 фоизга бажарилди. Корхона, ташкилотлар жамоа шартномалари орқали имтиёзли ва бепул тарзда эҳтиёжманд оилаларнинг 295 нафар фарзандлари вилоятимиздан ташқаридаги оромгоҳларда дам олдирилди.

